

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОЗА ХАМРАЕВНА**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ МЕДИТАТИВ ТАБИАТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation**

<b>Эрназарова Гулноза Ҳамроевна</b> <b>Ҳозирги ўзбек шеърятининг медитатив табиати.....</b>	<b>3</b>
<b>Ernazarova Gulnoza Hamroevna</b> <b>meditative nature of modern uzbek poetry.....</b>	<b>40</b>
<b>Эрназарова Гулноза Ҳамроевна</b> <b>Медитативные особенности современной узбекской поэзии.....</b>	<b>77</b>
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>List of published works</b>	
<b>Список опубликованных работ.....</b>	<b>82</b>

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОЗА ҲАМРАЕВНА**

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ МЕДИТАТИВ ТАБИАТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2017.2.DSc/Fil/63 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Каримов Баходир Нурметович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Якубов Исламжон Ахмеджанович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Дамин Тўраев**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ҳасанов Шавкат Аҳадович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институту

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «21» декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «21» декабрь даги рақамли реестр баённомаси).



**Ш.С.Сирожидинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
филол.ф.д., профессор

*Қ.У.Пардаев*

**Қ.У.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий қотиби, филол.ф.д.

*Д.Р.Юсупова*

**Д.Р.Юсупова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида адабиёт тарихи ва адабий жараён билан боғлиқ бадиий асар таҳлилига доир муаммоларни медитатив лирика сатҳида ўрганиш ҳамда уни англаш зарурати филология соҳасида ҳам жиддий масалаларни кун тартибига қўймоқда. Жаҳон адабиётининг юксак намуналари жорий асрга келиб, глобал илмий муаммо доирасида ўрганилмоқда. Жараёнда гуманитар соҳаларда мазмунан мукамал, сифат жиҳатидан ўта янги илмий тадқиқотлар олиб бориш учун имкониятлар етарли. Бундан унумли фойдаланаётган адабиётшунослик илми ҳам ўз объектига янги нигоҳ билан қараш, медитатив лирикага оид муаммоларни чуқурроқ англаш йўлидан борди. Медитатив лирикани таҳлилий ўрганиш инсоннинг поэтик тафаккур тарзига хос қонуниятларни англаш учун муҳим. Ижтимоий муҳит ҳамisha адабий-маънавий, маданий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бугунги давр кишилари онгу тафаккури, руҳиятидаги янгилик ва ўзгаришлар бирламчи ҳолатда, адабиёт ва санъатда ўз аксини топади. Айниқса, адабий турлар ичида жиддий ёндашувни талаб этадиган лирик турни аниқ бир назарий муаммо асосида кенг қўламли тадқиқ этиш замонавий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари сирасига киради.

Дунё адабиётшунослигида медитатив лириканинг янгича назарияси унинг олдинги даврлардаги тарихий ривожланишини теран англашга мўлжалланган. Адабиётшуносликда бу соҳадаги энг муҳим вазифа медитатив лирика талқини билан боғлиқ. Ишда адабиёт тараққиётида медитатив лириканинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш муҳим муаммо сифатида қўйилди. Дарҳақиқат, шеъриятда медитатив лирика муаммосини ўрганиш муайян давр поэзиясининг специфик табиатини аниқлашда ҳам муҳимдир. Шеъриятдаги янгиланган бадиий тафаккур ўқувчилар дунёқарашини кескин ўзгартирди. Бу ҳолат ўз навбатида бадиий адабиётга, шеъриятга муносабатнинг янгиланиб, илмий-назарий талқинларда муайян ўзгаришлар юзага келишига ҳам сабаб бўлди. Замонавий шеъриятда, хусусан, анъанавий шеърий шаклларда ўзгаришлар юзага келди. Яъни, бугунги куннинг ижодкорлари қалбини тўлқинлантирган, уларни ижод ва эҳтиросга ундайдиган ижтимоий тамойиллар, ҳаёт ҳақиқатлари ўзгарди, шу тариқа шеъриятда бадиий эволюция юз берди. Шу билан бирга лирик фикр ва ҳис-туйғуларни абстракт усулда, мавҳум шаклда тасвирлаш тажрибалари ҳам пайдо бўлди.

Мустақиллик даврида ўзбек шеъриятининг юз йилдан ортиқ вақт ичида майдонга келган намуналарини қайта кўриб чиқиш, янгиланаётган, модерн услубдаги лирик асарларни ўзига мос назарий тамойиллар контекстида ўрганиш муҳимдир. Зотан, мустақил мамлакатимиз ижтимоий сиёсатида: “Буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий

ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган”<sup>1</sup>. Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Усмон Носир сингари жадид адабиёти намояндалари, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби собиқ иттифоқ даврида ижод этган шоирлар, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиевадек ҳам шўролар тузими даврида, ҳам мустақиллик йилларида етук асарлар ёзган ижодкорлар, Йўлдош Эшбек, Эшқобил Шукур, Фахриддин Низомов, Баҳром Рўзимухаммад, Аъзам Ўктам, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Гулноз Мўминова, Ойдиннисо, Гўзал Бегим каби ўзига хос услубий йўналишида ижод қилаётган шоирлар асарларини “медитатив лирика” муаммоси асосида ўрганиш замонавий ўзбек шеърияти ҳақида комплекс назарий хулосалар чиқаришга туртки беради. Ушбу назарий муаммо асосидаги илмий тадқиқот миллий тарих, буюк мутафаккир аждодларимизнинг идеал ҳаёт йўли, халқона руҳият, шахснинг ижтимоий ва индивидуал психологияси, давр маданий аурасини лирик талқин кўламида ёритиб бериш имкониятини юзага келтирадики, буларнинг ҳаммаси тадқиқот олдига қўйилган муаммонинг долзарблиги ва унинг республика доирасида олиб борилаётган илмий ишларнинг устувор йўналишларига мувофиқ эканидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт, санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси //Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 4 август.

## Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.

Медитатив лирика муаммоси ва замонавий ўзбек шеърияти ҳақида жаҳоннинг тан олинган илмий марказлари, ОТМларида, хусусан, Oxford University (Буюк Британия), Cambridge University (Буюк Британия), Humboldt Universitat (Германия), the University of Sorbonne (Франция), Kioto University (Япония), National University of Seoul (Жанубий Корея), Марказий-Европа университети ва «Очиқ жамият» институти (Будапешт, Венгрия), Manchester University (Буюк Британия), Жоржия университетининг экология институтути (АҚШ), Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Indiana University (АҚШ), Истанбул университети, Анқара университети, Карабук университети (Туркия), Россия давлат гуманитар университети, Москва давлат университети (Россия), Миллий илмлар академияси Адабиёт институтути, Баку Евроосиё университети (Озарбайжон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтути (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон шеършунослигида хусусан, замонавий шеъриятни ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: медитатив лириканинг эволюцияси ва генезиси, бадий, эстетик, маданий ва тарихий, фалсафий омиллари, мифопоэтикаси, жаҳон лирикасида медитатив талқин усулининг шаклланиши, тараққиёт омиллари (the University of Sorbonne (Франция), Kioto University (Япония), Manchester University (Буюк Британия), Indiana University (АҚШ), Анқара университети, Карабук университети (Туркия), Россия давлат гуманитар университети, Москва давлат университети).

Дунё адабиётшунослигида замонавий шоирлар ижодий лабораторияларини янгича ёндашув ва концепциялар ёрдамида тадқиқ этишнинг қуйидаги устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: жадиличлик даври деб ном олган шеъриятнинг ижтимоийлашган кўринишлари, совет даври ўзбек шеъриятининг жанр ва мавзу кўлами, 90-йиллардан кейинги миллий шеърият, уларда ижтимоий эрк, озодлик, мустақиллик ғоялари илгари сурилганлиги, унда инсон ва инсон ботини, шахс идеали, миллий психологиянинг акс этиши, ўзбек лирикасида жанр, образ, лирик қаҳрамон, метафоранинг намоён бўлиш хусусиятлари ва тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқиш.

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis;> <https://www.westernsydney.edu.au;> <https://sllc.umd.edu/persian/about;> <http://nelc.uchicago.edu;> <https://nelc.osu.edu;> <http://ut.ac.ir;> <http://www.um.ac.ir;> <https://www.amu.ac.in;> <http://www.du.ac.in/du;> <http://www.istanbul.edu.tr/tr;> <https://www.ankara.edu.tr;> <http://gazi.edu.tr;> <https://www.orientalstudies.az/ru;> <http://literature.az/?lang=aze;> <http://www.kaznu.kz/ru;> <http://www.iaas.msu.ru;> <https://www.ivran.ru;> <https://spbu.ru;> <http://www.orient.spbu.ru/ru;> <http://www.orientalstudies.ru> <http://orientalstudies.org.ua/uk/home;> <http://zoa.dmt.tj;> [http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-imrudaki;](http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-imrudaki) [http://tashgiv.uz/ru/;](http://tashgiv.uz/ru/) [http://navoiy-uni.uz/uz-k;](http://navoiy-uni.uz/uz-k) <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослиги, аксарият рус адабий-илмий доираларида ўтган асрдан эътиборан лирикада медитативликнинг намоён бўлиш тамойиллари, медитатив лириканинг лирик жанрлар билан муносабати, медитатив лирика ва унинг етакчи вакиллари, медитатив лирика ва адабий давр, адабий оқим, ижодий методлар масаласида қатор тадқиқотлар майдонга келган<sup>3</sup>. Ҳозирги ўзбек шеърияти, унда медитативликнинг намоён бўлиши масаласи ўзбек адабиётшунослигида махсус ўрганилмаган. Аммо ҳозирги ўзбек шеъриятининг поэтик хусусиятлари, жанрлари, образлар кўлами, лирик композиция, лирик кечинма, “соф лирика”, унинг мумтоз шеърият, фольклор, мумтоз услуб ва образлар билан муносабати, миллийлиги, вазн, қофия масалалари атрофлича ўрганилган. Айни пайтда XX аср жадид шеърияти: Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Усмон Носирлар ижоди тадқиқотчиларимиз томонидан турли назарий-илмий муаммолар доирасида тадқиқ этилган. Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжонлар шеъриятининг бадиияти, образлари ва ғоявий хусусиятлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, Ҳ.Худойбердиева, М.Абдулҳаким, У.Азим, Ш.Раҳмон, Х.Даврон, А.Ўктам, Э.Шукур сингари анъанавий, Р.Парфи, Й.Эшбек, Фахриёр, Б.Рўзимухаммад, Ҳ.Аҳмедова, Х.Рустамова, З.Мирзаева, Ойдинниси, Гўзал Бегим, Г.Мўминова сингари замонавий шеърият вакиллари ижоди ҳақидаги таҳлилий хулосалар, назарий умумлашмалар мақола, рисола, монография ва диссертацияларда ўз аксини топган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987; В.Г.Белинский. Мақолалар. Ўзбекистон давлат нашриёти. – Тошкент: 1948; Муравьев В.С. Медитативная лирика // Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987; Хализев В. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1994; Шелли П.Б. Ғарб шамоли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014; Пospelов Г.Н. Лирика. – Москва: Изд-во Моск. ун-та, 1976; Эпштейн М. Природа, мир, тайник вселенной. – Москва: Высшая школа, 1990; Э.Кассирер. Сила метафоры / Теория метафоры. – Москва: Прогресс, 1990; Жирмунский В.М. Композиция лирических стихотворений / Теория стиха. – Ленинград: Сов.писатель, 1975.

<sup>4</sup> Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати. – Тошкент: Навоий, 2000; Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007; Йўлдошев Қ. Сўз ёлкини. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2018; Йўлдошев Қ. Очқич сўз. – Тошкент: Тафаккур, 2019; Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2016; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. 1-китоб. – Тошкент: O'zbekiston, 2008; Мамажонов С. Бизнинг Чўлпон. – Тошкент: Ёзувчи, 1997; Миллий уйғониш. – Тошкент: Университет, 1993; Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. – Тошкент: Фан, 2007; Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ, 2007; Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 1991; Қурбонбоев И. Медитатив шеърият // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000; Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2015. Муллаҳужаева Р. Тафаккур янгиланиши (Шавкат Раҳмон ижоди мисолида). – Тошкент: Мухаррир, 2019; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Жабборова Д. Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон шеърияти ва насрий асарлари талкини: Филол. фан. б-ча фалс. д-ри. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2018; Мирзаева Д. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий тафсил: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент: 1994; Турдимов Ж. Лирик кечинма табиати: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент: 1999; Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва бадиий изланишлар: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент: 2004; Қурбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент: 2005; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент: 1999; Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий изланишлар (У.Азим ижоди мисолида): Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент: 2000; Хўжамкулов У. Миртемир лирикасида сўз ва образ: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент: 2004; Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар:

Мазкур ишларда ҳозирги ўзбек шеърияти қуйидаги тамойилларга кўра тадқиқ этилди: 1) муайян давр адабий, ижтимоий ҳодисалири билан боғлиқ равишда, социалогик принциплар асосида тадқиқ этиш (жадид шеърияти, уруш даври шеърияти, мустақиллик даври шеърияти тарзида); 2) лириканинг таракқиёт тамойиллари, мавзу ва ғоя тадрижи нуқтаи назаридан; 3) бирон бир назарий муаммо доирасида; 4) ягона шоир лирикасининг поэтик хусусиятларига кўра; 5) замонавий шеъриятда етакчилик қилаётган адабий йўналиш, оқимларни намоён бўлиш хоссалари жиҳатидан.

Ижтимоий ҳодисалар билан боғлаб ўрганилган тадқиқотларда адабий давр сифатида ажратиб ўрганилаётган шеъриянинг ижтимоий-тарихий, индивидуал-психологик, назарий-поэтик жиҳатларини ўрганиш, бу ҳақида назарий умумлашмалар чиқариш, амалий йўналишларини белгилаш тадқиқотнинг етакчи принципи бўлиб хизмат қилади. Ўзбек шеъриятининг таракқиёт тамойилларига бағишланган ишларда шеърият такомилени ташкил этувчи омиллар, ички поэтик принциплар муаммоси тадқиқотларнинг умумий қиёфасини намоён этади. Назарий муаммолар юзасидан талқин қилишда замонавий шеъриятда кўзга ташланган поэтик тамойиллар ҳақида фикр юритилади. Ягона шоир поэтикасини таҳлил этишда, асосан, шу шоир ижодида етакчилик қилувчи жанрлар, образ ва тимсоллар, бадиий услубни белгилаш бош мезон қилиб олинади. Адабий оқимлар билан боғлиқ тадқиқотларда эса айни оқим ёки адабий методнинг лирик тасвир, ифода ва услубдаги кўринишлари тадқиқ объекти вазифасини бажаради.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги, шеършунослиги юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқот, рисола ва монографияларда муайян ютуқларга эришгани, ОТМ ва мактаб дарсликлари, ўқув қўлланмалари учун илмий замин ҳозирлаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо ҳалига қадар ҳозирги ўзбек шеъриятида “медитатив лирика” муаммоси комплекс ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда замонавий адабиётшунослигимизда кўзга ташланаётган айни бўшлиқни тўлдириш мақсад қилинган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот режасининг «Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараённи тадқиқ этишнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги ўзбек шеъриятининг медитатив табиатини белгилашда ХХ асрнинг бошларидан бугунга қадар майдонга келган ўзбек шеърияти намуналарини медитатив лирика контекстида илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

медитатив лирика тушунчасининг келиб чиқиши тарихи, фалсафий асослари, илмий-назарий хусусиятларини жаҳон адабиётшунослиги контекстида ёритиш;

медитатив лириканинг ўзбек фольклори, мумтоз адабиёти, XX аср бошлари шеъриятида изчил тарзда шаклланиб, ривожланиб келгани, медитатив лирикага хос хусусиятларнинг миллий заминга эга эканини маънавий-маърифий, бадий-тарихий омилларидан келиб чиққан ҳолда асослаш;

миллий уйғониш даври ўзбек шеъриятида медитатив лириканинг намоён бўлиш принципларини кўрсатиш;

шўролар даврида ижод қилган Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Миртемир шеъриятида акс этган “марсиявийлик”, “бағишлов”, “сентименталлик” каби медитатив лирикага оид жиҳатларни очиб бериш;

Э.Воҳидов, А.Орипов, Ҳ.Худойбердиевалар ижодида акс этган миллий тарих, ижтимоий идеал ва фалсафий тафаккурнинг лирик талқин этилиш тамойилларини ёритиб бериш;

Р.Парфи, Ш.Раҳмон, М.Абдулҳаким, У.Азим, Й.Эшбек, Ҳ.Аҳмедова каби янги шакл ва мазмун изланишлари, бунинг аниқ натижаларини тақдим этган шоирлар лирикасида тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафорик акс эттирилганлигини илмий асослаш;

мустақиллик даври ўзбек шеъриятида диний-маърифий мавзуларнинг лирик талқин этилиши, ўзбек модерн шеъриятида медитативликнинг намоён бўлиш тамойилларини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида А.Фитрат, А.Чўлпон, Ҳ.Ниёзий, У.Носир, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева, Ш.Раҳмон, М.Абдулҳаким, У.Азим, Й.Эшбек, Ҳ.Аҳмедова, Х.Рустамова, З.Мирзо, Ойдинниси, Б.Эрали, Гўзал Бегим каби шоир ва шоираларнинг медитатив лирика тамойиллари акс этган шеърий асарлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Медитатив лириканинг тарихий, фалсафий, эстетик омиллари, жаҳон шеъриятидаги кўринишлари, ўзбек шеъриятида кузатиладиган тарихий ўтмиш, идеал аждодлар талқини, бағишловлар, йўл хотиралари, лирик “мен”нинг ижтимоийлашуви, умуммиллий ва умумбашарий ҳолатларнинг лирик “мен”да хусусийлашуви муаммоларини комплекс тадқиқ этиш ҳамда муаллиф адабий-эстетик қарашини ёритиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда аналитик, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, герменевтик, контекстуал таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётшунослигида илк бор медитатив лириканинг бадий-тарихий, ижтимоий-фалсафий, илмий-назарий тушунча ҳамда ўзбек лирикасига хос поэтик ҳодиса экани мисоллар асосида исботланган;

медитатив лириканинг халқона бадиий тафаккур, мумтоз поэтика, ўзбек халқи тарихидаги фаол ижтимоий ҳодиса билан боғлиқ томони, айти ҳодисанинг миллий замини шоирларнинг ўзига хос овози, услуби, манераси, ғоявий-эстетик принциплари мисоллар асосида далилланган;

ўзбек миллий уйғониш даври лирикасининг медитатив хусусиятлари А.Фитрат, А.Чўлпон, Ҳ.Ниёзий, У.Носир, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Миртемирлар шеърятининг марсиявийлик, бағишлов, сентименталлик каби лирик жанрларда акс этиши ва ўзига хос бадиий-эстетик жиҳатлари очиб берилган;

XX аср ўзбек поэзиясида медитатив лириканинг жанрий янгиланишдаги ўрни, поэтик хусусиятлари, эволюциясининг эпик кўлам-халқ ижоди билан уйғунлиги ва поэтик тафаккур асоси бўлмиш – рамз, метафора, ташбеҳ, истиора ҳамда бошқа шеърӣ санъатларнинг миқёси, миллий тарих, ижтимоий идеал, фалсафӣ тафаккурнинг лирик-медитатив намоён бўлиш тамойиллари асосланган;

ҳозирги ўзбек шеърӣтидаги етакчи ғоялар билан медитатив лириканинг уйғунлиги, ушбу шеърӣят вакилларини ўзбек халқининг бадиий-эстетик тафаккур ривожига кўшган улуши ва уларнинг асосий ғоявий йўналиш, шаклий-услубий хусусият, композицион ранг-баранглик, полифоник оҳангларга алоҳида эътибор берилгани ҳамда илмий-назарий жиҳатдан миллий қадриятлар, идеал аждодлар образининг метафорик акс эттирилиши исботланган;

Шарқ адабиётига хос ижтимоий-фалсафӣ, диний-маърифӣ мавзуларнинг мустақиллик даври ўзбек модерн шеърӣтида лирик талқин этилиши медитативлик муаммоси орқали очиб берилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

медитатив лирика тушунчасини бадиий-тарихий, ижтимоий-фалсафӣ, илмий-назарий тушунча, лирик турга хос поэтик ҳодиса сифатида ёритишда ва адабиётшуносликда янги назарий тамойилларнинг майдонга келишида мазкур тадқиқот муҳим амалий аҳамият касб этади;

медитатив лириканинг халқона бадиий тафаккур, мумтоз поэтика, ўзбек халқи тарихидаги фаол ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлиги, жаҳоний поэтик ҳодисанинг миллий заминга эгаллиги илмий тадқиқот ва илмий ўқув жараёни учун хизмат қилади;

миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, хусусан, А.Фитрат, А.Чўлпон, Ҳ.Ниёзий, У.Носирлар шеърӣяти, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Миртемирларнинг собиқ иттифоқ даврида майдонга келган лирик асарлари, XX аср ўзбек шеърӣтида кузатиладиган “марсиявийлик”, “бағишлов”, “сентименталлик” каби медитатив лирикага хос бадиий-эстетик жиҳатларни теран англаш учун назарий манба вазифасини бажаради;

Э.Воҳидов, А.Орипов, Ҳ.Худойбердиевалар ижодида акс этган миллий тарих, ижтимоий идеал ва фалсафӣ тафаккурнинг медитатив лирика контекстида талқин этилиши Р.Парфи, Ш.Раҳмон, М.Абдулҳаким, У.Азим, Й.Эшбек, Ҳ.Аҳмедовалар лирикасида миллий тарих, идеал қадриятлар ва

аждодлар образининг метафорик тасвирлари, ўзбек модерн шеъриясида Шарқ адабиётига хос ижтимоий-фалсафий, диний-маърифий мавзуларнинг мустақиллик мафкураси асосида таҳлил этилиб, илмий хулосалар чиқарилиши ёш авлод маънавияти, илмий ва бадиий тафаккури такомил топишида фаол амалий моҳиятга эгадир.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда истифода этилган ёндашув ва методлар, жаҳон ва ўзбек адабиётшунослиги ютуқлари асосида назарий ҳамда амалий умумлашмалар чиқарилганлиги; қиёсий-тирихий, қиёсий-типологик, герменевтик, структур таҳлил усулларининг бевосита миллий шеърият намуналари негизида янгилангани, янги қирралари очиб берилгани; олинган натижаларнинг нуфузли илмий ташкилотлар, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти таҳлилга тортилган материаллардан олинган хулоса ва натижалардан Адабиёт назарияси, Адабиётшуносликка кириш, Ҳозирги ўзбек адабиёти, Янги ўзбек адабиёти, Бадиий таҳлил асослари, Адабий жараён, Ўзбек адабий танқиди тарихи каби фанлар йўналишида монография, дарслик ҳамда ўқув кўлланмалар тайёрлашда таянч илмий манба бўлиши, поэзиядаги медитативлик, услубий бетакрорлик масалалари ҳақидаги мушоҳадалар ижодкор феномени борасидаги тасаввурни тўлдириши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, бадиий таҳлил асослари, замонавий ўзбек адабиёти бўйича махсус курс ва махсус семинарлар олиб боришда, докторантлар, таянч докторантлар, магистрантлар, бакалавр босқичи талабаларининг билим савияларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Ҳозирги ўзбек адабиётида медитатив лирика табиати, тарихий, фалсафий-бадиий асослари муаммоси тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

XX асрнинг 20-30 йиллари ўзбек медитатив лирикаси бобига тааллуқли (Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон) медитатив хусусиятларнинг рус-европа лирикаси (Пушкин ва бошқалар) билан қиёсий таққосланиши, бу давр лирикасига хос бадиий-фалсафий қирраларнинг миллий ва жаҳон шеърияси билан қиёсий-типологик ўрганилишига доир илмий хулосалардан ФА – Ф1-Г040 рақамли “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва таъсир” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган. (Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги № 3/1255-2452-сон маълумотномаси). Натижада ҳозирги ўзбек шеъриясида медитатив лирика табиатини бошқа халқлар адабиёти билан қиёсий ўрганишда, хусусан, типология, адабий таъсир каби қиёсий адабиётшуносликнинг муҳим муаммоларини ёритиш ва аниқ баҳолашга асос бўлган;

медитатив лирика тарихи ва унинг фалсафий, илмий-назарий хусусиятларини ёритишда мумтоз шоирлар, хусусан, Алишер Навоий лирикаси билан боғлиқлиги масаласига доир илмий-назарий хулосалардан

2015-2017 йилларда бажарилган А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрьдаги 89-03-3303-сонли маълумотномаси). Натижада истиқлол даври лирикасида диний-маърифий мавзудаги шеърларнинг медитатив хусусияти аслида Ислом маърифати, тасаввуф ғоялари билан боғлиқлиги масаласи ва унинг аҳамияти лойиҳа илмий хулосаларини бойитишга хизмат қилган;

Ўзбек шеърлятида медитатив лириканинг вужудга келиши, генезиси, жанрлар ва даврлар масаласини тадқиқ қилиш, ўтган асрнинг 20-30-йиллар лирикасида пайдо бўлган медитатив шеърят намуналарини таҳлил ва талқин қилиш каби илмий-назарий хулосаларидан Озарбайжон Миллий Илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг “Озарбайжон-Туркменистон-Ўзбекистон адабий алоқалари” бўлимида озарбайжонлик ўзбекшунос олимлар томонидан фойдаланилган (Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг 2020 йил 18 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада истиқлол даври ўзбек шеърлятида медитатив лириканинг мавзу ва ғоявий қўламини ўрганиш, бугунги ўзбек шеърлятида диний-маърифий мотивлар етакчилиги ва унга хос медитативлик масаласини ўрганиш ҳақидаги таҳлилий хулосалар хориж тадқиқотчиларнинг ўзбек адабиёти ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга асос бўлган;

замонавий туркий халқлар шеърлятини қиёсий таҳлил қилиш билан боғлиқ илмий муаммоларга оид хулосалардан Туркия Истанбул университетидаги замонавий турк лаҳжалари ва адабиёти курслари ўқув жараёнига татбиқ этилган (Туркия Истанбул университети доктори Эмек Усенмезнинг 2020 йил 12 октябрдаги маълумотномаси). Натижада Истанбул университетида “Адабий жараён”, “Ҳозирги ўзбек шеърляти” каби курслар юзасидан ташкил қилинган дарслар самарадорлиги ошишига, соҳага оид қўлланма ва услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

жадид шеърляти, шўро даври шоирлари ижод намуналари ва модерн адабиётига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилди (“Ўзбекистон” телерадиоканали ДУКнинг 2020 йил 3 декабрдаги 02-40-12-25-сон маълумотномаси). Натижада медитатив лириканинг тарихий, фалсафий асослари, ҳозирги ўзбек шеърлятининг маънавий-маърифий омиллари хусусида илмий фикр-мулоҳазалар юритилди ва ёш тадқиқотчиларга илмий-назарий маълумотлар берилган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими 2018-2020 йиллар мобайнида шоирлар ҳаёти ва ижодига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар дастурини тайёрлашда, Абдулла Орипов ижод мактабида ўтказилган “махорат дарслари”да фойдаланилган (2020 йил 4 сентябрдаги 01-03-06/740-сонли маълумотнома). Натижада ёшларнинг Р.Парфи, Ш.Раҳмон, М.Абдулҳаким, У.Азим, Й.Эшбек, Ҳ.Аҳмедовалар

лирикасида миллий тарих, кадриятлар, идеал аждодлар образининг метафорик хусусиятлари очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 9 илмий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та иш, жумладан, 1 та монография, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 11 таси республика ҳамда 8 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 272 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиммати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилингани ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Медитатив лирика тушунчаси ва унинг тарихий, фалсафий-бадий асослари”** деб аталган биринчи боби иккита фаслни ташкил этади. Биринчи фасл **“Медитатив лирика тарихи, фалсафий, илмий-назарий хусусиятлари”** деб номланади. Мазкур фаслда Замоनावий ўзбек шеърятига янгича ракурсдан баҳо бериш учун дунё адабиётшунослигида кенг истеъмолда бўлган “медитатив лирика” тушунчаси доирасида фикр-мулоҳаза юритиш, нафақат, жорий фасл, балки ушбу тадқиқот иши олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Афсуски, замоनावий ўзбек шеърятини бундай илмий-назарий мезон асосида сатҳида баҳоланган эмас. Ўзбек шеърятини таркибида хилма-хил шакллар, турли тажрибалар, жаҳон шеърятидан таъсирланишлар мавжуд. Изланишлар натижасида медитатив лирика тушунчасининг илмий-назарий мазмуни англаб олинган, ўзбек шеърятини лириканинг бундай турига мисол бўладиган кўплаб намуналар борлиги аёнлашади. Адабий ҳодисани ўз номи билан аташ, ҳақиқий истеъдодларга холис баҳо бериш, санъат асарини ажрата билиш ва замоनावий ўзбек шеърятини юзасидан фойдали умумлашма хулосалар чиқариш бугун эҳтиёжга айланган.

Медитатив лирика (*лат. Meditatio* – чуқур ўйлаш, муайян йўналишда фикр-мулоҳаза юритиш) – жанр ва мавзусига кўра фалсафий лирикага яқин, ammo унга тўла мос келмайдиган шеърини асар. Медитатив лирикага

тааллуқли бўлган шеърлар бевосита мушоҳада, ўй-хаёлга асосланган ва борлиқнинг сирли қонуниятларини англашга йўналтирилган индивидуал мулоҳаза асосига қурилган бўлади<sup>5</sup>. Ушбу манбада медитатив лирика лотинча “*meditatio*” сўзидан олинганлиги ва бу бадий-фалсафий термин “чуқур ва аниқ йўналтирилган мушоҳада” деган маъноларни билдириб, жанрий-тематик жиҳатдан поэзиянинг, хусусан, фалсафий лирика турига яқин келиши таъкидланади. Бундай лирик шеърлар “мушоҳадавий” табиати, борлиқ қонуниятлари сирларига етишишга йўналтирилгани, шоир “мен”ининг улуғворлик касб этиши билан ажралиб туради. Медитатив шеърят тарихига кўра насронийлар поэзиясида юзага келди. Масалан, Ўрта асрлар Византия шеърлятида Григорий Назианзин ва XVI аср испан шеърлятида Хуан де ла Крус шеърлари бунга мисол бўлади. Бундай шеърлий асарларда диний тушунча ва ҳис-туйғулар кўпроқ ифода қилинади. Медитатив лириканинг энг яхши намунаси сифатида инглиз сентиментал шеърляти вакили Эдуард Юнгнинг “Шикоят ёхуд ҳаёт, ўлим ва абадийлик ҳақида тунги ўйлар” (1742 - 1745) номли асари кўрсатилади<sup>6</sup>. Шунингдек, Т.Грейнинг “Қишлоқ қабристонида ёзилган элегия” (1751) асари медитатив лириканинг жанрий ўзига хослигини белгилаб бериш учун хизмат қилди. XIX аср рус адабиётида шеърлий мактуб, саёхат хотиралари ёки сафарнома руҳидаги шеърлар, табиат манзаралари билан уйғунлашган элегиявий характерли шеърлар медитатив лириканинг яхши намунаси дир.

Медитация тушунчаси шеърлардаги банд ва вазн қонуниятларига қарамасдан ҳар қандай поэтик жанрнинг кўламини сезиларли даражада орттириб юборади<sup>7</sup>. Кенг маънода адабий асарнинг бадиияти, санъатга хос жиҳати, жанрий хусусияти, мазмун-моҳияти ва индивидуал шаклий қирраларини адабиётшунослик илми медитация мезонлари асосида баҳолашга ҳақли. Шундагина бадий асарнинг гўзаллиги, нақадар адабий-эстетик таъсир қувватига эгалиги, поэтик даражаси аёнлашади.

Изланишлар натижасида медитатив лириканинг категориал белгиси сифатида қуйидаги тизим кўзга ташланди:

1. Лирик қахрамоннинг ички олами намоён бўлиши жараёнида ўз-ўзини тафтиш қилиши;
2. Шеърлий матнда эмоционалликнинг мавжудлиги;
3. Фикр ва туйғунинг уйғун ифодасида одам ва олам ҳақидаги мушоҳадавий умумлашмалар берилиши.

Аслида маънидан, ҳисдан йироқ бўлган асар бировнинг кўнглига ўтирмайди. Шоирнинг ўзи ҳайратланиб ўзи ҳаяжонга тушмаса, ундай тоифадаги шеърлар бошқалар қалбидан ўрин олмайди. Медитатив лирика намуналари сирасига ижод аҳлининг энг гўзал ва эстетик қийматга эга асарлари киради. Бундай муҳокамалар натижасида медитатив лириканинг ифода шаклига кўра икки тури ўзаро фарқланади:

<sup>5</sup> Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – С. 214.

<sup>6</sup> Қаранг: <http://feb-web.ru/feb/kle/kle-abc/ke9/ke9-5232.htm>

<sup>7</sup> Мирошникова О.В. Лирика К.К. Случевского (жанрово-композиционное своеобразие): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Л.: 1983. – С.16.

- 1.Тавсифий-медитатив лирика;
- 2.Тасвирий-медитатив лирика<sup>8</sup>.

Тавсифий-медитатив шеърлар кўпроқ воқеликка асосланган бўлиб, бунга саёҳат хотиралари, шеъринг мактуб тарзида битилган лирик шеърлар киради.

Тасвирий-медитатив шеърларда маълум даражада тавсиф бўлиши ҳам, лирик субъектнинг руҳий ҳолати ифодаланиши ва шоирнинг умумкайфияти ифода қилиниши ҳам мумкин. Лирик асар медитативликка боғлаб ўрганилганда мазмунига жиҳатидан 1. Руҳий-медитатив шеърлар; 2. Мавҳум-медитатив шеърлар тарзида ҳам таснифланади.

Медитация билан тасвирийлик ўзаро уйғунлигини халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам кўриш мумкин. Мавсумий кўшиқларда нидо ва ундов, савол ва ҳайқириқ инсон ботинидан чиқади. Г.Н.Поспелов рус халқ кўшиқларидаги баҳорнинг келиши ва у билан мулоқот жараёнларини тасвирий-медитатив лириканинг ўзига хос намунаси сифатида келтиради<sup>9</sup>. Медитатив лирика тарихи ва ўзига хос жиҳатлари хусусида гап борганда элегия, шеъринг мактуб, бағишлов ва шу каби бир қатор шеърлар тўғрисида ҳам фикр юритиш ўринли бўлади. Элегия – фалсафий мазмундаги, қайғули ўйларни ифодалаовчи шеър. Бу жанр кўпроқ фалсафий қарашлар, қайғули ўй-изтиробларни акс эттиради<sup>10</sup> ва унинг халқ оғзаки ижодидаги шакллари билан бири “марсия” деб юритилади.

Ўзбек шеърини тадқиқини таҳлилий кузатиш шуни кўрсатадики: а) марсиявийлик; б) саёҳат ва у билан боғлиқ йўл хотиралари; в) техник тараққиёт ва индустурия такомилни инсоний туйғуларнинг кушандаси деб билиш; г) қабристон поэзияси, ҳаёт ва ўлим фалсафаси; д) бағишловлар (Ватан, шахс, нарса-ҳодисаларга бағишлов шеърлар); е) лирик “мен”нинг ижтимоийлашуви; ё) дунё ва башарият ҳақидаги фикр кўламнинг кенглиги билан ажралиб туриш; ж) фольклор ва дунё халқлари адабиётининг узок тарихи билан боғлиқлик медитатив лирика табиатини белгилайди. Тадқиқотда шу илмий-назарий таҳлил ва таснифга мос мушоҳада юритилди.

**“Медитатив лирика ва ҳозирги ўзбек шеърини: маънавий-маърифий, бадиий-тарихий омиллари”** деб номланган иккинчи фаслида ҳозирги ўзбек шеъринида кўзга ташланаётган медитатив лирика намуналарининг маънавий-маърифий, бадиий-тарихий омилларини белгилаш, уларни аниқ талқинлар асосида кўрсатиб бериш муаммо-ечим тарзида акс этади.

Дарҳақиқат, ҳозирги ўзбек медитатив шеърининг бадиий-тарихий, маънавий-маърифий илдизлари ўта чуқур. У бадиий ҳодиса сифатида ўзининг бир нечта муҳим босқичларига эга. Ушбу босқичлар тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун эса медитатив лириканинг ижтимоий давр ва маданий муҳит билан боғлиқ жиҳатлари, жаҳон шеъринида кузатиладиган

<sup>8</sup> Поспелов Г.Н. Лирика. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1976. – С.103.

<sup>9</sup> Поспелов Г.Н. Лирика. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1976. – С. 103.

<sup>10</sup> Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 358-359.

тарихий шакллари, эволюцион-динамик табиати, қайси лирик жанрларда доминант шаклий-мазмуний хосса сифатида намоён бўлиши ҳамда, медитатив лирикага хос поэтик мезонлар ҳақида бир тўхтамга келиб олиш мақсадга мувофиқ. Бундай назарий умумлашма, йиғма таъриф ўзбек медитатив лирикасини илмий база асосида ўрганишга қўл келиши билан бирга, мазкур ҳодисанинг миллий шеърятдаги индивидуал хусусиятини белгилаш имконини ҳам беради.

Қатор тадқиқотлар, терминалогик луғатларда рус танқидчиси В.Белинскийнинг медитатив лирика намуналарини, хусусан, медитатив лириканинг ёрқин намояндаси Ламартин шеърятини танқид остига олгани қайд этилади<sup>11</sup>. “XIX аср адабиётшунослигида медитатив лирика” термини кинояли маънода қўлланади. Масалан, В.Г.Белинский реалистик поэзиядан йироқ, кўпинча куруқ оҳ-воҳлардан иборат Ламартин шеърятига нисбатан ушбу терминни қўллайди”, деб ёзади бу ҳақда адабиётшунос Л.Юдкевич<sup>12</sup>. Бундай қайд ва тасдиқлар медитатив лирика табиати ҳақидаги тасаввурларни хиралаштириши билан бирга, унинг ижтимоий воқелик, реал турмуш билан боғлиқлигини шубҳа остига олади. Аммо медитатив лирика намуналарини тизимли ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдикки, лирик талқиннинг мазкур шаклига дахлдор ҳар қандай асар ижтимоийликдан мутлоқ холи бўлиши мумкин эмас. Шоирнинг ижтимоий вазиятлар, реал маиший турмуш воқелигидан таъсирланиши, унга ички ҳиссий-эмоционал муносабати медитатив шеърятнинг юзага келишига омил бўлади. В.Белинский эса ўз даври рус жамиятида фақат танқидчи-адабиётшунос сифатида эмас, балки фидойи ватанпарвар, ижтимоий-сиёсий ғоялар тарғиботчиси, рус турмуш маданиятини янгилаш, замонавийлаштириш тарафдори сифатида майдонга чиққан, бир умр ўз фаолияти давомида ушбу позициядан чекинмаган шахс эди. Медитатив лирикага хос ботинийлик, ижтимоий муаммоларнинг ички эволюцияси тасвири фонида берилиши уни тўла қоноатлантира олмас эди. В.Белинский нисбатан очиқ, аниқ ижтимоий мақсадга йўналтирилган шеърятни маълум маънода интимлашган шеърятдан устун қўйганини айти жиҳатдан табиий қабул қилиш керак.

Замонавий ўзбек медитатив лирикасининг тарихий-адабий, маънавий-маърифий омилларини белгилайдиган муҳим манбалардан бири фақат соф лирик жанр эмас. Балки эпик кўлам, эпик образлар мутаносиблиги асосига қурилган халқ қаҳрамонлик эпослари, мифологик тасаввурлар ҳам медитатив лириканинг туб асослари ҳисобланади. Яна бир асоси – бу ўзбек мумтоз ёзма адабиётидир. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойик”, Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарларида, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Заҳириддин Муҳаммад

<sup>11</sup> Бу ҳақда қаранг: В.Г.Белинский. Мақолалар. – Т.: Ўзбекистон, 1948; Муравьев В.С. Медитативная лирика. Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987; Юдкевич Л. Медитативная лирика. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983; Адабий тур ва жанрлар. 2-жилд. Лирика. Коллектив. – Т.: Фан, 1992.

<sup>12</sup> Юдкевич Л. Медитативная лирика. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 204.

Бобур, Турди Фароғий, Муҳаммадризо Огаҳий, Хўжаназар Хувайдо, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Зокиржон Фурқат каби қатор мумтоз шоирлар шеърлятида замонавий ўзбек медитатив лирикасига асос бўлган жиҳатлар талайгина. XX аср ўзбек шеърлятининг энг ёрқин намояндалари ижодида кузатиладиган умуминсоний, умумфалсафий, умумпсихологик мотивлар, образ ва тимсолларнинг илдизлари мана шу улкан шеърлят хазинасига бориб тақалиши ишда атрофлича баён қилинди.

Гарчанд, “медитатив лирика” термини биринчи бобда қайд этганимиздек, Европада пайдо бўлиб, ўзининг оригинал намуналарини инглиз сентиментализм шеърлятида намоён этган бўлса-да, уларнинг илдизлари бевосита Шарққа келиб боғланади. Ислон даври Шарқ адабиётлида кўзга яққол ташланадиган жавонмардлик, ахийлик этикаси ва унинг тасаввуф шеърлятида акс этиши ўрта асрларда салиб юришлари билан Шарқни кўриб қайтган рицарлар шеърлятига кучли таъсир кўрсатган. Бу ҳақда қиёсий адабиётшунослик масалалари билан жиддий шуғулланган олимлар Н.Комилов, Ф.Сулаймонова асарларида алоҳида қайдлар учрайди<sup>13</sup>. Натижада Фарб шеърлятида ҳам ўлимга ибрат назари билан қараш, ўлимни боқий инсон умрининг бир ўтиш палласи дея талқин қилиш, жамият турмуш тарзи ва табиат экзотикасини қарама-қарши қўйиш, инсоният болалиги ҳақида мушоҳада-мулоҳазага берилиш, марсиявийлик, йўл хотиралари асосида ҳиссийатлар эркинлигини куйлаш, саёҳатда ҳаёт фалсафасини англаш мотиви, индустуриядан хавфсираш ва она табиат бағрига интилиш, “қабристон поэзияси”, ўлимни эслаш, ўтмишдаги идеал аждодлар, туғишганлар, эрта тарк этган муҳаббатга бағишловлар, шоир “мен”ининг ижтимоийлашуви каби медитатив лирикага хос хусусиятлар аста-секинлик билан, динамик тарзда шаклланиб, такомил босқичини эгаллади. Бундан келиб чиқадики, ўзбек шеърлятининг ҳам архаик: фольклор ва мифга хос даврида, ҳам классик даврида медитатив лирикага оид элементларнинг кўплаб учраши тасодиф эмас. Айни пайтда, ўзбек классик шеърлятининг медитатив лирикага хос қатор хусусиятлари, унинг анъана тарзида асрлардан асрларга ўтиб яшаб келаётгани ислон маърифати, дунёда рўй бераётган воқеликни ислон ақидалари асосида тушуниш ва бадий тушунтириш тамойиллари билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбек мумтоз адабиётлида медитатив лирика хусусиятларини намоён этган асарлар тўртта муҳим таянч-асосга эга. Бунинг биринчиси, ислон таълимоти акс этган Қуръон, Муҳаммад алайҳисалом ҳадислари, улардан кейин яшаган дин уламолари, авлиёларнинг асарлари; иккинчиси, халқ оғзаки поэтик ижодининг янги поэтик шаклда, ислон адабиётлига мослаштирилиши; учинчиси, Шарқ тасаввуф адабиётли анъаналари; тўрттинчиси, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атойи, Саккокий, Лутфий, Навоий сингари ислон муҳитлида шаклланган шоирларнинг индивидуал талантлари ва дунёни медитатив идрок этиш йўл-усулларидир.

<sup>13</sup> Қаранг: Комилов Н. Ибн Сино ва Данте. – Т.: Ўқитувчи, 1982; Сулаймонва Ф. Шарқ ва Фарб. – Т.: Фафур Фулом НМИУ, 1997.

Ўзбек фольклори намуналари ва кўп асрлик мумтоз шеърият табиатини ўрганиш шуни кўрсатадики, замонавий ўзбек шеъриятида кўзга ташланаётган медитатив лирика ҳодисаси сира ҳам тасодиф ёки ўзга халқлар адабиётидан таъсирланиш натижасида пайдо бўлган шеърият эмас. У ўзининг соф миллий асосларига эга бўлиб, генетик хоссаларини XX аср ва ундан кейинги давр ўзбек замонавий шеъриятида яққол намоён этмоқда. Айни пайтда замонавий ўзбек шеъриятига мансуб медитатив лирика жаҳид шеърияти, 60-90-йиллар шеърияти, мустақиллик даври шеърияти каби хронологик контекстда ўзининг анъанавий ва янги жиҳатлари билан ўзига хослик касб этади. Ишда замонавий ўзбек шеъриятига хос хусусиятнинг бир қиррасини медитатив лириканинг илмий-назарий тамойиллари асосида холис баҳолаш ҳақиқий санъат ҳодисасини теранроқ идрок этишга ёрдам бериши илмий асосланди.

Диссертациянинг иккинчи боби “XX аср 20-30-йилларида ўзбек медитатив лирикаси” деб аталади. Унинг “XX асрнинг 20-йиллар шеъриятининг фалсафий-медитатив хусусиятлари тадқиқи” деб номланган биринчи фаслида, XX асрнинг 20-йиллар шеъриятининг фалсафий-медитатив хусусиятлари ва уларни илмий жиҳатдан асосли ёритиш усули борасидаги назарий қарашлар акс эттирилган.

XX аср ўзбек адабиётининг сарбонларидан Чўлпон ва Фитратлар билан бирга давр адабий жараёнида иштирок этган Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний, Боту ва Элбек каби ўз даврининг етук шоирлари борки, уларнинг ижодий меросини ҳам шеърий медитация нуқтаи назаридан, хусусан, шоирларнинг кўнгил оламини, турли сафар ё саёҳатлар жараёнида ёзган таъсирли шеърларини, бутун вужуд-вужудидан бир лаҳзада отилиб чиққан айрим бағишлов ёки марсия йўсинида ёзганларини кузатиш яхши самара берди.

Фитратнинг машҳур “Миррих юлдузига”, “Менинг кечам”, “Шарқ” каби шеърларида ижтимоий мазмун кучли. Адабиётшуносликда марсиявий мазмунли бағишловлар ёки бирор шахсга бағишлаб ёзилган шеърлар ҳам медитатив лириканинг намунаси сифатида характерланади. Фитратнинг “Беҳбудийнинг сағанасини изладим” шеъри Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўлими муносабати билан, уни соғинган шогирднинг дил изҳори сифатида ёзилган. Аслида Беҳбудий қатли туфайли бу типдаги шеърий марсия, Чўлпон ижодида ҳам бор. Аммо Фитратнинг Беҳбудийнинг қабрини излаши – бу ўзига хос алоҳида ҳодисадир. Чунки улар маслакда, маънавиятда, устоз-шогирдликда бир-бирига жуда яқин бўлган адабий шахсиятлар саналади. Шу сабабли Фитрат ўз шеърида:

“Ботувда қизариб турган булутдан

Ёзилган кўнглимга мотам ёғарди”,

деб аламини ёзади. Шеър моҳиятига кўра адолат билан адолатсизлик, ҳақиқат билан ноҳақлик ўртасидаги антитеза асосига қурилган. Бунинг ифода сабабчиси албатта маърифтпарвар бир инсон – Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қатл этилишидир.

Давр шеърляти медитативлик деган илмий-назарий тушунча асосида шу пайтгача тахлил қилинган эмас. Ҳолбуки, Фитрат ва Чўлпон каби шоирларнинг шеърларига хос фазилатларни ўз номи, дунё адабиётшунослигида бор истилоҳ билан аташ бу давр адабий меросининг ўзига хос бир қиррасини намоён қилади.

Чўлпоннинг “соф кўнгил лирикаси”, табиат лирикаси, йўл хотиралари, бағишлов каби йўналишда ёзган шеърларида жаҳон адабиётидаги фалсафий-медитатив лирика намуналари билан бир қаторда турадиган асарларнинг борлиги XX аср ўзбек шеърлятининг юксак ғоявий-бадий даражасидан дарак беради. Гўзаллик инсонни ўзига шайдо қилади. Дунёда таъби, диди, фаҳм-фаросати турлича бўлган инсон кўп бўлганидек, уларнинг гўзалликка ошнолиги ҳам турлича. Аммо чинакам гўзаллик қошида – у табиат ходисасими ёки оддий бир аёлми, у сўз нафосатими ёки юрак тўлқиними – нима бўлганда ҳам инсонларнинг юрак уришларида бир хиллик сезилади. Хусусан, Чўлпоннинг “Гўзал” шеъридан олинган эстетик завқ кўпчиликида бир хил ёки бир-бирига яқин кечади. Зеро, “Шеърят – ҳис-туйғулар гулшани. Биз Чўлпоннинг “Гўзал” сингари лирик шеърларини ўқиганимизда, қалбимиз шу гулшандан таралган нафосат ифори билан тўйинади”<sup>14</sup>. Бундай юракдаги туйғунинг медитатив ифодаси шеърни адабиётнинг боқийлик гулшанига мушарраф қилиши аниқ, албатта.

Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,

Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!

Шеърга нисбатан бирёқлама муносабатда бўлиш оқибатида “Гўзал” типидagi шеърлар ўз тароватини йўқотиши ҳам мумкин. Одамлар юрагида кўрқув туйғуси ҳукмрон бўлса, ундай одамларнинг рухий ҳаёти қарахтланади, гўзалликка эҳтиёж хиралашади. Ҳатто энг зўр орифлар ҳам ҳолсизланиб, гўзаллик самосига кўтарила олмай қоладилар. “Даҳо санъаткорлар яратган гўзалликни англаш, унинг моҳиятини идрок эта билиш, сирларини кашф этиб, бу гўзалликни қалб мулкига айлантириш учун, биринчи навбатда, санъаткорга қассобдек, прокурордек, жаллоддек бўлиб эмас, унга муҳаббат ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлмоқ керак”<sup>15</sup>. Латиф шеърнинг медитатив хусусиятида кўчим, метафора алоҳида аҳамият касб этади.

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,

Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.

“Гўзал” шеърида шоирнинг фикри табиат оламига, айримлари осмон жисмларига кўчиб ўтади. Чўлпон “тонг юлдузи” деган маънони англатар экан, шунга мос равишда унинг ижодида юлдуз образи кўп қўлланади. “Гўзал” шеърида даставвал “энг ёруғ юлдуз”га юзланади. Шоир ўзи излаётган ҳақиқатни юлдуздан, ойдан сўрайди. “Шоирнинг лирик қаҳрамони

<sup>14</sup> Каримов Н. Уч буюк сиймо: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек. – Т.: Mumtoz so‘z, 2019. – Б. 295.

<sup>15</sup> Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: Ёзувчи, 1994. – Б. 18.

– фикр кишиси. Унинг фикр йўллари кенг. У фикрлаб ҳақиқат ахтаради. Ҳақиқатга талпиниб, мушоҳадаларга берилади”<sup>16</sup>. “Тўзал” шеърини мумтоз адабиётдаги ошиқ ва маъшуқа образлари ифодасининг анъаналари фониди таҳлил этган Чўлпоншунос Дилмурод Қуронов шоирнинг асосий ниятини истиқлол ғояларига боғлайди. Бундаги шоирнинг ижтимоий дардини бошқа шеърлари (дейлик, “Мен ҳам севаман”, “Алданиш” каби) билан уйғунликда, улардаги пафосни битта махражга келтириб таҳлил этади. Шарқ шеърятидан яхшигина хабардор бўлган шоир унинг ифода усулидан сўз айтиш имконияти чекланган шароитда моҳирона фойдаланди, салафлари қўллаган “ошиқ” ва “маъшуқа” тимсолларига янгича руҳ ва мазмун берди, янгича жилолантира билди<sup>17</sup>. Янгича жилонинг негизиди шоирнинг истеъдодли овозининг мумтоз бадий санъатлар билан йўғрилган акс-садоси бор. Шеърдаги такрорий сўзлар, бир қатор ўхшатиш ва сифатлашлар ўзига хос поэтик мазмун касб этади. Дарҳақиқат, “Унинг (“Тўзал” шеъри – Г.Э.) ажиб бир ички мусиқаси бор, юрагингизни чулғаб оладиган ажиб бир ришталари мавжуд, оддий тил билан баён қилиб бўлмайдиган жозибаси бор. Буларнинг бари бирлашиб, унга бетакрор сеҳр-жоду бағишлайди”<sup>18</sup>. Кўнгил шеърятини, соф лирик табиатга эга бундай шеърлар руҳий-психологик таъсири, медитатив хусусияти туфайли ўқувчининг бутун вужудини қамраб олади. Бу руҳий кайфиятни ўқувчи ҳам, ҳатто баъзан шеърни ёзган шоирнинг ўзи ҳам шарҳлашга ожиз қолади. Ҳақиқий санъат намунаси бўлган шеърнинг соҳир дунёси шундай тушунчаларни пайдо қилади.

Диссертациянинг ушбу фаслида ҳуррият тушунчаси миллатпарвар шоирлар учун доимо илҳом булоғи вазифасини ўтагани, замонанинг мураккаб бухронлари билан шоирларнинг эрка интилган кўнгли ўртасидаги тўқнашувларнинг шеърини ифодаси юзага келгани, бундай индивидуал ҳиссиёт билан ижтимоий дарднинг кесишган нуқтасида ўзбек медитатив лирикаси моҳиятан шахсий тушунчалар улкан умуминсоний пафос томон эврилиши илмий далилланган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Медитатив лириканинг умрбоқийлик табиати”** деб номланади. Мазкур фаслда Ойбек, Ғафур Ғуллом, Мақсуд Шайхзода каби шоирларнинг шеърлари ўзининг фалсафий қуввати, Ҳамид Олимжон шеърятининг нафис лиризми, Усмон Носир лирикаси ўз шиддати билан адабиёт карвонининг олдинги сафларидан ўрин эгаллагани хусусида фикр юритилган.

Гарчанд, 30-йилларда адабий муҳитда ижодий эркинлик бўғилган бўлса ҳам, Ойбеклар авлоди ўз адабий меросида барҳаёт шеърларни ёзиб қолдирди. Кўнглини рамзларга кўмиб баён қилди. Бу авлод ижодида асрлардан асрларга ўтадиган шеърлар адабиётшуносларнинг доимий мурожаат объекти бўлиб қолди. Ойбекнинг кўплаб ижод намуналари “соф лирика” миқёси сифатида шеърят тарихи саҳифаларини безаб келади.

<sup>16</sup> Ҳаққул И. Қалб ёлқини - сўнмас ёлқин. / Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” китобида сўзбоши. Юлдузча, 1989. – Б. 8.

<sup>17</sup> Қаранг: Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 31.

<sup>18</sup> Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Т.: Маънавият. 2004. – Б. 358.

Кейинги ўн йиллар давомида адабиётшуносларнинг диққатини тортган Ойбекнинг “Наъматак” шеъри турлича таъриф ва тавсифлар учун асос бўлди.

Нафис чайқалади бир туп наъматак  
Майин рақсига ҳеч қоникмас кўнгил,  
Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун,  
Сўнмайди юзида ёрқин табассум”.

Жумладан, Ойбекнинг қалб садоси сифатида янграган, шоирнинг метафорик, фалсафий-медитатив хусусиятга эга бу асари ўзбек шеъриятининг энг гўзал намуналаридан бири ҳисобланади. “Назаримда, ўшшайган бадқовоқ қоялар салтанатида уларнинг совуқ нигоҳларини писанд қилмай, бир сават оқ ҳарир гулларни қуёшга тутиб, нурга интилган наъматак тимсолида Ойбек ўзининг асл ниятини тасвирлаган”<sup>19</sup>, деб ёзади адабиётшунос О.Шарафиддинов. Дарҳақиқат, “Наъматак” шоирнинг кўнгилда шовуллаб ўсган ажиб бир гулдир. Унинг мазмун-моҳиятига шоирнинг мушоҳадавий тушунчалари сингдирилгандир. Ички психологик контраст яққол сезилади: гул билан қоя, ўшшайганлик билан табассум...

Ойбек умрининг лаҳзалари, тасаввур ва тафаккурининг фазилатлари ушбу ажойиб шеърида жамланган. Филология фанлари доктори У.Ҳамдам: “Инсон гўзалликка дуч келганда шошиб қолади, ҳаяжонга тушади, атрофни унутиб, бутун дунёси билан кўнглини ром этган борлиқ пойига кумуш қор янглиғ тиз чўқади, фикри ва зикри гўзалликни алқаш бўлади”<sup>20</sup>, деб таъкидлайди. Шеър шоирнинг табиатдаги гўзаллик билан учрашув маҳалидаги ҳаяжонлари ва ҳайратларидан майдонга келган. Шоир бу табиат ҳодисасига ўз маҳорати билан турлича изоҳлар учун имкон берадиган кайфиятининг рангларида бўёқ берган. Зотан, ҳайрат – шоир кўнглидаги энг бебаҳо неъмат. Ҳайрат бўлмаган жойда шеър пайдо бўлмайди; ҳайратдан инсон юрак уришидаги маромлар ўзгаради, тафаккури ўзгача йўлларга киради, тасаввурида турли-туман манзаралар уйғонади. Бу шеърда нафосат билан важоҳат, мағрурият билан ожизлик ёнма-ён келади. “Инжу”, “чечак”, “чашма”, “ниҳол” – бу поэтик рангин, ноёб сўзлар шеърнинг ўзига хос тароватини кўрсатса, “ваҳший қоялар” шеърий тафаккурнинг бошқа бир мушоҳадага чорлайдиган қиррасини ўзида жамлайди. Ҳар бир шеър, ҳар бир жумла – лаҳзалар, предметларга, одамларнинг имо-ишоралари, табассумлари, ўй, хаёл, ниятларининг ўткинчи, бебақолигига қўйилган ёдгорликдир. Ёзувчи ушбу ёдгорликларни бир вақтнинг ўзида ҳам воқеликнинг ўзига, ҳам шиддатли оқим олиб кетаётган ўз ҳаётига қўяди. У яратаётган барча нарсалар қатъий равишда унинг ўзи билан ҳам қандайдир руҳий-маънавий алоқага эга. “Ижодкор яратган асарларида ўз тақдир-қисматининг, завқ-шавқ, қувончларининг, афсус, армон ва ғам-андуҳларининг зарралари, аломатлари баайни қон доначалари янглиғ айланади”<sup>21</sup>. Польшалик адабиётшунос Ян

<sup>19</sup> Шарафиддинов О. Миллатни уйғотган адиб. Мустақиллик даври адабиёти. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2006. – Б. 14.

<sup>20</sup> Ҳамдам У. Ойбекнинг сийратини сувратига айлантирган асар. Миллатни уйғотган адиб. – Т.: Университет, 2005. – Б. 49.

<sup>21</sup> Ян Парандовский. Сўз кимёси. Жаҳон адабиёти, 2017. № 11. 182-бет.

Парандовскийнинг ўз ижоди билан жаҳоний мазмун касб этган барча улкан истеъдод эгаларининг ижодий биографиясига тааллуқли бўлган ушбу фикрини айти фазилатларга эга Ойбеклар авлоди, хусусан, уларнинг энг гўзал шеърларини ёзган лирик лаҳзаларига нисбатан қўллаш ҳам ўринли бўлади. Зеро, инсондаги ҳар бир қараш, ҳар бир туйғу гўзаллик қаршида юксалади, андуҳлар, ғам-аламларга бурканганда эгилади, букилади.

Замонасининг забардаст шоири Ҳамид Олимжоннинг завқли, ишқий лирикаси табиатида ҳам мушоҳадавийлик, фалсафийлик етакчилик қилади. Академик Наим Каримов унинг қалбларни завқларга ошно қиладиган шеърларидан бири “Ишим бордир ўша охуда” шеърининг майдонга келиш жараёнини жуда ўринли тасаввур қилган ҳолда ёзади: “Зеро, шеър сўз шаклида, ритмик бирликлар шаклида қоғозга тушмасдан аввал шоир хаёлида, ҳиссиёт ва кечинмаларнинг ғира-шира жилвалари шаклида пайдо бўлади, сўнгра у тобора ёришиб, аниқ қирралар касб этади”<sup>22</sup>. Олим шоир шеърининг майдонга келиши юзасидан фикр юритса, шоирнинг ўзи ҳам айти шеърда шеърӣ мисраларнинг, илҳом онларининг ҳарорати хусусида поэтик мулоҳазалар баён этади. Ўз вақтида шўро адабиётшунослиги Ҳамид Олимжон шеърятининг давр билан ҳамоҳанг қирраларига диққатни қаратади. Сир эмаски, бу шоир “бахт ва шодлик куйчиси” сифатида тавсифланди. Аммо унинг юрагидаги дардлари шеърларига тўкилган, ҳар бир инсон тафаккурини зўриқтирадиган шеърлари ҳам борлигини инобатга олмоқ лозим. Бадиий ижод учун ўлим мавзуси узоқ қадимдан мавжуддир. Зукко шеършунос Ботирхон Акрамов “ҳар бир истеъдодли шоир, дафъатан шеърят стихияси – “соф” лирика билан” танилишига урғу беради. Фикри давомидан шоирнинг ижтимоий бурчига диққатни қаратади. Табиийки, бундай “соф”лик ва ижтимоийликнинг ўзаро уйғунлиги ҳар бир даврнинг етук шоирлари ижодида кузатилади. Бу масалага олим Миртемир лирикасидаги образчилик, мажозий-рамзийлик, халқчиллик масалалари нуқтаи назаридан баҳо беради<sup>23</sup>. Фитрат ва Чўлпон ижодида ўзига хос тарзда индивидуал лирик қаҳрамон фонида намоён бўлса, улардан кейинги авлод шоирларида нисбатан ижтимоийлашган лирик қаҳрамон кўринишида майдонга келди. XX аср ўзбек шеърятини табиатини истиқлол йилларида ўрганган адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам бу масалага алоҳида тўхталади. “Янги ўзбек шеърятини” китобининг айрим фасллари “Лириканинг ижтимоийлашуви“, “Лириканинг мафкуравийлашуви” тарзида номланади. Секин-аста бу ижтимоийлик инсонга яқинлашиш адабий ҳодисасига У.Ҳамдам “Лирикада ижтимоий дарднинг инсонийлашуви” сифатида қарайди. Муҳокама қилган масалаларни ташқи ва ички омиллар кесимида асосли ўрганади ва қуйидаги умумлашган муҳим бир хулосани тақдим этади: “Шундай қилиб, XX асрда тубдан ижтимоийлашган ўзбек шеърятини бадиийлик даражаси нуқтаи назаридан иккига ажралмоқда: биринчиси давр муаммолари санъаткорона акс эттирилган, кўпнинг дарди шоир дардига айланган – шахсийланган

<sup>22</sup> Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Т.: O‘zbekiston, 2008. – Б. 361.

<sup>23</sup> Қаранг: Ботирхон Акрамов. Оламнинг бутунлиги. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 1988. – Б. 58-100.

(персонификация ҳодисаси) шеърият. Бунга Чўлпон, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим каби шоирлар шеърияти мисол бўла олади.

Иккинчиси даврга хос муаммоларни бадиийлик мезонларидан туриб эмас, балки уларнинг жамиятда тутган ўрни, долзарблигини қайд этиш ва жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш мақсадида ёзилган, баъзан назмбозлик маҳсули сифатида дунёга келган шеърият. Айни пайтда, ҳукмрон мафқурани улуғлаб ёзилган, бадиий жиҳатдан эса бўш-баёв шеърларнинг ўрни ҳам шу ерда”<sup>24</sup>. Олимнинг фикрлари ўринли, албатта. Тадқиқотда давр шеърияти бадиий қиймат, поэтик кўлам, образлилик, эстетик пафос каби мезонларни қамраб оладиган фалсафий-медитация тамойилига суянган ҳолда баҳолаб таҳлил қилинди.

Бу давр шоирлари ижодида йўл хотиралари, кўнгил манзаралари, айрилиқдан келган аламлар табиат ҳодисаларига муштарак, шу билан бирга образлилик, мажозий-рамзийлик хусусиятлари билан уйғунлашиб, медитатив лирикага хос хусусиятларни намоён этиши илмий тадқиқ этилган.

Учинчи боб **“Миллий тарих ва идеал аждодлар образининг медитатив талқинлари”** деб номланган. Бобнинг биринчи фасли **“Медитатив шеъриятда миллий тарих, ижтимоий идеал ва фалсафий тафаккур талқини”** деб аталган. Унда ҳис-туйғу, образ, рамз, бадиий санъат, шоир субъекти, индивидуал услуби, лирик “мен”и; миллий тарих, ижтимоий идеал ва фалсафий тафаккур хусусида гап боради. Буларнинг барчаси шеъриятнинг ўзгармас ички қонуниятларидир. Ижодий жараён, ижод психологияси, ижодкор лабораторияси ҳақидаги тушунча ва талқинлардан келиб чиқадиган бўлсак, бу тушунчанинг ижодкор шахсияти билан боғлиқлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг аксар шеърларида эпизодик воқеа-ҳодиса, кичик бир деталдан улкан мушоҳада ва тарихий ассоциацияга қурилган медитатив талқин яққол намоён бўлади. Кенг планли метафорик кўчим шеърда истифода қилинган сўзларнинг медитатив доирасини кўламдорлик касб этишига олиб келади. Сўз кетидан қутилмаган сўз келиши, сўзларнинг маъно ва тажнис ўйинлари – барчаси шу улкан шоирнинг исмига, эркин руҳига тўла мос келганини айтмоқ лозим.

“Иш ўлдирмас, ишқал ўлдирар,  
Жон заволи юз ёшмас, кўз ёш”.

Бунда “иш” билан “ишқал”, “юз ёш” билан “кўз ёш” метафорик кўчимли, таъсирли, чин маънодаги шарқона топилмалардир”<sup>25</sup>. Бу жиҳат шоирнинг лирик-медитатив жиҳатдан мустаҳкам анъаналарга айланиб бўлган шеърият мезонларига янгилик қўша олганидан далолат беради.

Адабиётшунос, маълум маънода воҳидовшунос аталишга-да ҳақли шеършунос У.Норматовнинг қуйидаги фикрлари юқоридаги

<sup>24</sup> Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърияти. – Т.: Адиб, 2012. –Б.83-84.

<sup>25</sup> Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2016. – Б. 89.

хулосаларимизнинг ҳақлигига яққол далилдир: “Эркин Воҳидовни кўплар биринчи галда “Тонг нафаси”, “Ёшлик девони”даги рубобий тароналар, “Тирик сайёралар”, “Шарқий қирғоқ”, “Яхшидир аччиқ ҳақиқат” каби тўпламларидан жой олган ўткир фуқаролик туйғуси билан тўлиб тошган ижтимоий шеърлар, чуқур драматизм, теран фалсафий ўй-мушоҳадалар билан йўғрилган “Нидо”, “Руҳлар исёни” дostonлари муаллифи сифатида биладилар. Айни пайтда шоир ҳажв, юмор бобида ҳам беназир ижодкордир. XX аср иккинчи ярми миллий шеърини ҳажвчилигимизда ҳеч қайси шоир Эркинчалик “кўб ва хўб” ёзган эмас”<sup>26</sup>. Демак, Юқоридаги таҳлилларимизни У.Норматов фикрлари билан уйғунлаштирадиган бўлсак, Э.Воҳидов шеърини ўзининг илк намуналаридан эътиборан медитатив лирика хоссаларини намоён этиб келган. Медитативлик лириканинг бошқа адабий турлардан фарқланишига омил бўладиган муҳим унсурлардан биридир. Чунки лирика “оламнинг ботиний шакли” (Г.В.Ф.Гегель) бўлиб, бу тур характерини тўла ифодалайди. Медитативлик шоирнинг ўз-ўзига ва ташқи оламга индивидуал муносабатидир. Э.Воҳидовнинг “Инсоният тарихи”, “Самарқанд”, “Ҳофизга”, “Ўзбегим”, “Пушкин”, “Орзу чашмаси”, “Келажакка мактуб”, “Инсон қасидаси”, “Эски ҳаммом, эски тос” каби шеърларида медитатив лириканинг қатор хусусиятлари акс этган. Уларни муаммо юзасидан кузатиш ушбу шеърларда афсона ва реал тарих уйғунлиги, саёҳат таассуротлари, шахс талқини, келажак ҳақида мушоҳадалар, шахс ва жамият, инсон ва табиат, ижтимоий муаммолар каби медитатив лирикага хос жиҳатлар уйғунлашиб кетганини кўрсатади.

Ўткир ижтимоий дард, ижтимоий “мен”нинг юзага қалқиб чиқиши, тарих ва аждодларга мурожаат, бунинг натижасида мушоҳадавий-фалсафий жиҳатдан қамровдор лирик концепциянинг илгари сурилиши, сафар-саёҳат мотивлари, ушбу мотивларнинг бевосита миллат тарихи билан боғланиши, фожиавий ҳолатларга ечим топишнинг индивидуал усуллари, воҳидовча киноя, “ним табассум” (Б.Каримов) Э.Воҳидов медитатив лирикасининг ўзига хос жиҳатларидир. Бундай лирик талқинлар табиий ҳолатда миллий шеъримиз тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатгани шубҳасиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ижодида медитатив лирикага хос специфик хоссаларни ифодаладиган шеърлар жуда кўп. Улуғвор йиғи, ер ости дунёси ва ўлим фалсафаси, турли бағишловлар, лирик “мен”нинг ижтимоийлашуви билан уйғун ҳолда акс этади. Ушбу далилларнинг барчаси А.Орипов шеърини медитатив лириканинг ўзига хос индивидуал намунаси сифатида ўрганишни талаб этади. Медитатив лирикада шоир ўз давридан туриб тарихий ҳодисалар ҳақида субъектив мушоҳада юритиши, тарихий фактлар асосида давр муаммоларини медитатив акс этириши мумкин. Айниқса, шоирнинг нисбий марсиявийлик принципи акс этган “Паҳлавон Маҳмуд”, “Мўмин Мирзо”, “Алишер”, “Отелло” сарлавҳали шеърларида рамзийлик ва киноявийлик ижтимоий дардни яширин ифода этиш имконини оширган. А.Орипов Навоий, Бобур, Фурқат,

<sup>26</sup> Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 162.

Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидовларга бағишлаб ёзган шеърларида ўз лирик объектларининг ҳаёт тарзи, характер хусусиятлари, ўз рухий-ижтимоий муносабатидан келиб чиқиб лирик мушоҳада юритади. Ҳар бирининг лирик талқини мазмунига монанд ўз замони муаммоларига диққат қаратади. Навоийда жаҳоншумуллик, Бобур ва Фурқатда Ватан соғинчи, Ойбекда туйғулар нозиклиги, Ғафур Ғуломда фалсафа ва ўқтамлик, Абдулла Қаҳҳорда инсонпарварлик, Асқад Мухторда тафаккур етакчилиги медитатив талқин марказига қўйилади. Шоирнинг ўтли шеъриятида Ватаннинг ўтмиши, бугуни ва эртаси параллел чизиқларда кесишгандек гўё. Соҳибқирон Амир Темур барпо этган ва бошқа буюк аждодларимиз саъй-ҳаракати пайваста бўлган улкан давлат маҳобатини, ёвқур боболаримиз нафаси ва қатъиятини ҳис қилгандек бўламиз, аини замонда буюк аждодларимизнинг қасоскор руҳи Ватан ҳурлигига чорлаётгандек. Шоир шеърларида миллий руҳият ва идеал аждодлар образи чуқур лиризм, ўзига хос ижтимоий драматизм билан муштаракликда талқин этилади.

Ўзбек медитатив лирикасининг яна бир нозик қирраси йирик шоира, Э.Воҳидов ва А.Орипов каби шоирларнинг замондоши, маслакдоши Ҳалима Худойбердиева шеъриятида кўзга ташланади. “Ҳалима Худойбердиевнинг шеърларидаги ватанпарварлик жонфилолик, мардонаворлик маъносига уйқаш. Шеър руҳи лаҳзада сизни забт этади. Эҳтиросларнинг тошиб келган оқими қаърига тортиб кетади. Сўзлар алланечук жонли-жисмли туйғуларнинг тиғиз сафидек, уларни ёриб ўтқудек куч-қудрат йўқ”<sup>27</sup>. Ҳ.Худойбердиева шеъриятига хос медитативлик биринчи навбатда Ватан ўтмиши, у ҳақдаги эҳтиросли мушоҳадалар, миллатнинг шонли ўтмиши ва бугуннинг бадий синтези билан уйғунлашиб кетади. Ҳ.Худойбердиевнинг Ватан, шахс ва воқеа-ҳодисаларга қаратилган теран ва мазмундор бағишловлари жуда кўп. Ўзбек медитатив лирикасининг етакчи хусусиятларидан бўлган бу жиҳат Ҳ.Худойбердиевада ўзига хос лирик оҳангларда ўз ифодасини топадики, у ўзининг она, аёл руҳияти билан қоришиқлиги нуқтаи назардан Э.Воҳидов, А.Ориповлар шеъриятидан кескин фарқланиб туради. Шоира Ватанга гўё тирик жонзотдек, одамдек, ҳатто ўзининг тукқан онасидек мурожаат қилади. Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошевнинг: “Шоира қисмда бутунни, бутунда бўлақлар шодасини кўра билади. Шу боис шеърларида тасвири имкон қадар ўзига яқинлаштиради”<sup>28</sup>, деган сўзлари юқоридаги фикримиз тасдиғига хизмат қилади.

Ҳ.Худойбердиева шеърларида Ватан, миллат, ўзбек, ўзлик, имон, виждон, садоқат, вафо, сабр тушунчалари дин, диёнат, Яссавий, Улуғбек, Навоий, Машраб, Бобур каби идеал аждодлар тушунчалари билан бирикиб кетади. Худди шу жиҳатига кўра миллийлик сарҳадларини ёриб ўтиб, умумижтимоий кўлам касб этади. Шоиранинг тарихий ўтмиш ва идеал аждодлар шахсияти ҳақидаги шеърларида аждодларнинг ўткинчи дунё

<sup>27</sup> Орипов А. Жонфилолик //Худойбердиева Ҳ. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2019. – Б. 7.

<sup>28</sup> Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2018. – Б. 180.

ҳақидаги хулосаларини чуқур мушоҳада қилади. Ўз замонасидаги дунёпарастлар қиёфасига чизгилар беради. Ўзи ва ўзига ўхшаган маҳзун юракларга малҳам қўяди. Медитатив мушоҳада жараёнида лирик “мен”, “муаллиф” ва “ўқувчи” учлиги қалбида катарсис ҳолатини уйғотади.

Етакчи хусусияти самимийлик ва соғинч бўлган шеърларда, бизнингча, композицион, структур тузилишнинг ўзидаёқ медитативлик яққол намоён бўлади. Чуқур мушоҳада, ботиний изтироб ва армон оҳангини лирик ифодалашда композиция, структура ҳам бирдек хизмат қилади. Маълум бўляптики, сўз ва сўз орқали ифодаланган ҳиссий материалнинг шоир ғоясини ифодалашга хизмат қиладиган, ўқувчи ҳис-сезгиларига таъсир ўтказадиган тартибда жойлашуви фақат ижодкор маҳорати ва ижодий нияти билан боғлиқ эмас. Объект ҳақидаги чуқур медитатив мушоҳада, воқеалик муҳакамаси жараёнидаги пафос, объект-шахсга нисбатан меҳр-муҳаббат, армоннинг мавжудлиги шеърнинг қурилиш жиҳатларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Теран мушоҳада, бошқаларникига ўхшамайдиган идеал маънога интилиш адабий истеъдоднинг бир белгисидир. Медитатив шеърятда миллий тарих, ижтимоий идеал ва фалсафий тафаккур ҳамда ўзгалар унчалик эътибор ҳам бермайдиган ҳодисалар, турмуш воқеалари, одамлар, характерлар, ҳолатлар, оддийгина деталлар ҳақиқий истеъдод эгасини чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Натижада лирик медитативлик, оригинал шеър дунёга келади.

Мазкур фаслда миллий ўтмиш ва идеал аждодлар мавзуси юқорида шеърлари таҳлил этилган уч шоир шеърятда алоҳида ўрин тутиши исботланган. Ҳар учала шоир тарихий ўтмиш ва уни нурлантириб турган комил аждодларига юксак ҳурмат билан қарайди. Уларнинг ҳаёт йўлларини ибрат сифатида лирик талқин қилади. Шоирлар асарларида ўз ички дунёсига, бу орқали жамият руҳиятига разм солади. Жамият кишисини, келажак авлодни комилликка ундайди; эзгуликка йўғрилган комиллик фалсафасини медитатив мушоҳада йўли билан поэтик талқин этади.

Учинчи бобнинг **“Медитатив шеърятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви”** деб номланган иккинчи фаслида медитатив лирикага хос фалсафий мушоҳадакорлик, ассоциатив тарзда ўтмиш воқелигига қайтиш, аждодлар образини поэтик идрок этиш, географик худудлар ва ўз ботини ичидаги сафар оҳанглари ўз-ўзидан метафорик идрок ва талқинни талаб этиши асосланган.

Метафориклашув асосида реал воқелик, табиат, жамият, шахс тушунчаларининг бадий қамров майдони кенгайди. Шеърини асар бадииятнинг чек-чегарасиз дунёсини худди шу тарзда мукамал акс эттиришга эришади. Метафора майдонга келиши учун уч нарса зарур бўлади: биринчиси, реал воқелик; иккинчиси, диний, мифологик, ҳаёлий тасаввурлар тизими; учинчиси, шоир, муаллиф субъекти. Бунга қўшимча равишда яна бир нарсани ҳам қайд этиш лозим. XX аср ўзбек шеърятининг тадрижий тараққиёт жараёнини кузатиш шуни кўрсатдики, ижтимоий муҳит

эрксизлиги, сиёсий тузум тазйиқлари кучайган даврларда ҳам метафориклашув жараёни тезлашган. Бу жараёнда жаҳон шеъриятидан таъсирланиш, адабий таъсир масаласини ҳам истисно деб бўлмайди.

Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Матназар Абдулҳаким, Усмон Азим, Йўлдош Эшбек, Ҳалима Аҳмедова каби шоирлар ижодини ёнма-ён қўйиб ўрганиш бизни шундай хулосага олиб келадики, мана шу типдаги шоирлар ижодида медитативликнинг метафориклашган шакли етакчилик қилган. Худди шу жиҳатдан келиб чиқиб, учинчи бобда хронологик тизимдан чекиниш, мазкур шоирлар лирикасини метафориклашув муаммоси юзасидан ўрганиш зарурати пайдо бўлди.

Р.Парфи адабий-тарихий хронологияга кўра Э.Воҳидов, А.Ориповлар билан бир қаторда туради. Аммо унинг лирикаси ўз характери, воқеликни поэтик акс эттириш усули жиҳатидан юқоридаги икки йирик замондошидан фарқ қилади. Бу усул айнан метафориклаштириш усули бўлиб, биринчи навбатда Р.Парфи шахсияти билан боғлиқдир. “Ҳар қандай адиб ижодининг моҳиятини унинг шахсиятидан қидирган маъқул, - деб ёзади бу ҳақда адабиётшунос Қ.Йўлдошев. – Негаки, ижодкор ҳамиша ўз шахсияти доирасида ва унинг даражасида мавжуд бўлади. Чунки ижод жараёни ва унинг натижасида ҳам асосан яратувчи шахснинг қирралари намоён бўлади. Рауф Парфи шеърлари синчиклаб ўқилса, шоирнинг ҳамишалик норози руҳи сезилиб туради... У, биринчи навбатда, ўзидан норози... Дунё ҳодисаларидан мазмун талаб этади, аммо бунга имкон тополмайди”<sup>29</sup>. Дарҳақиқат, шахснинг имконсизлиги, эрксизлиги уни ижодий сублимацияга олиб келади. Яъни у жамият ичида, қўли билан қилиши керак бўлган амалларни юзага чиқариш имконини топмаганидан кейин уни сўзга, шеърга кўчиради. Сўз эрки йўқ жойда эса поэтик тафаккурда рамзлашув кучаяди. Натижада ижтимоий, миллий, шахсий дардлар бир бутун метафорага кўчади.

Р.Парфининг “Дилоромнинг кўзлари” асари учта мустақил сонетни мазмунан ва шаклан боғлаган ягона асар. Бунда шоир барча айтмоқчи бўлган гапларини “кўз” метафорасига юклайди. Чунки шеър 1977 йилда ёзилган бўлиб, у вақтлар на шахс эрки, на сўз эрки учун муҳит бўлмагани бизга маълум. Р.Парфигача шеърини асарнинг бундай ғаройиб тузилмаси XX аср шоирларида учрамайди. Уч сонет доирасида лирик тасвир этилган поэтик ғоя улар ўртасидаги тадрижийлик, узвийликни таъминлайди. Ҳар учала сонетдаги биринчи катренлар муқоясасиданок фикримизнинг асослилиги аёнлашади.

Биринчи катренда сўз ҳақиқатдан ҳам аёл кўзлари устида кетаётганга ўхшайди. Ундаги “йўлсиз ўрмон”, “қора ёлқинлик” сулув аёл кўзларидаги маъюсликни акс эттиради. Ўқувчи кўз олдида аёлнинг маъюс қора кўзлари жонланади. Лекин нима учун шоир Дилоромнинг кўзларини дарахтлари тиғиз, йўл топиб юришнинг иложи бўлмаган ўрмонга ўхшатапти? Ўрмондаги қоронғулик ичида ёлқинлик қанчалар сулув аёл кўзларидаги чакноқни беради? Қолаверса, мунг ва ёлқин сўзлари семантик жиҳатдан бир-бирига зид

<sup>29</sup> Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 370.

эмасми? Ўрмон тушунчаси миллий менталитетимизда у қадар ёрқин эмас. Ўзбекистонда том маънодаги ўрмонлар йўқ. Демак, бу ердан бошқа, матн ости маъносини изламоқ керак. Мана шу маъно айнан метафориклаштирилган маъно бўлади. Ҳақиқий ўрмондаги қора ёлқинлик қайси ҳолатда майдонга келади. Қачонки, қоронғу тунда, ўрмон қарида ўт ёқилса худди шу ҳолатни кузатиш мумин. Шунда ўрмон янада қоронғилашади. Унда ёқилган гулхан эса ёрқинроқ кўринади. Бундан келиб чиқадики, кўз қароғи метафораси тасвирланган бу ўрмон миллий эмас, узок Россия ўрмонлари. Унинг маъюслиги, тинглаётган лирик қаҳрамонни энтиктириши тарихнинг бирон фожиали нуқтасини акс эттиради. Дилоромнинг маъюс кўзлари метафораси асосида шоир тарихнинг қора нуқталари, Сибир ўрмонларига сургун қилинган зиёли юртдошларимиз оғир қисматини ифодалайди. Совуқ тунларда ўрмонда дарахт кесаётган, гулхан ёлқинига исинишга-да имкон топмаётган, тарихнинг қора ўрмонлари ичида сўнган Усмон Носир каби ватандошларимиз фожиасини кўрсатади. Иккинчи катрендаги “йўлсиз ўрмон”, “кўхна жароҳат”, “ғариба увлаётган ой”, “инграётган хаёл” ўхшатишлари ушбу фикрларимизни янада қувватлаб тушади. Ҳақиқатданда, қатағонга учраган ватандошларимиз учун бу ўрмондан чиқиб кетадиган йўл йўқ эди. Ушбу фожианинг кўхна жароҳат эканлиги эса, буюк салтанатлар қурган миллатнинг ички низолар, молпарастлик, лоқайдликка берилиб номуносиб рақибларга енгилганига ишоратдир. Увлаётган ой қадим туркийларнинг кўк Тангрига эътиқод қилиши, бўри авлоди эканига ўқувчи эътиборини тортиши билан бирга, шонли тарихи бўла туриб хору зорликка мубтало этилган миллат зиёлилари фожиасини кучайтириб кўрсатишга хизмат қилади. Учинчи катрендаги нечун “кулмайсан”, “қанот ёзмайсан” сингари риторик сўроқлар муаллифнинг шу воқеага медитатив муносабатини ифодалайди. Чунки эндиликда миллат кулгини унутган, ўзлигидан бегоналашган бир манқуртга айланган. Эрклик қанотлари қайрилган:

“Занжирми Шарқ қизининг кўлларинда,  
Бир куч топилмасми, кишан синмасми,  
Туркистон, Туркистон энди кулмасми?...”

деган мисраларининг Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир оҳанглари эслатиши, нисбатан очиқроқ акс этган мазмуни шундан далолат беради. Лирик қаҳрамон шуни англаган, шундан қайғуда. Аммо кулдиришга, қанот ёздиришга қодир эмас. Шундан ғамгин, шундан аламли. Худди шу ўринда шоир “мен”и лирик қаҳрамонга айланиб, лирик “мен” эса ижтимоий “мен”га айланганини яққол ҳис қилиш мумкин. Қ.Йўлдошев юқорида қайд этилган тадқиқотида ушбу шеърини асардаги барча ҳолат, ҳис-туйғулар тасвирини лирик қаҳрамоннинг ёри, суюқлиси, маъшуқаси деб тушунади. Бу фикрни кенгайтиришга зарурат бор. Тўғри, лирик объект шоирнинг маъшуқаси. Фақат бу маъшуқа аёл эмас, суюкли Ватандир. Метафора, мажоз, пейзаж тасвири, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар Р.Парфи шеърятининг туб асосида туради.

Хоразм диёрининг булбулнаво шоири М.Абдулҳаким ҳам ўзининг медитатив мушоҳадаларини фақат семантик усуллар орқали эмас, стилистик усулларни янгилаш билан ҳам ифода этади. Ишда бу масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Худди А.Орипов, Э.Воҳидов, М.Абдулҳаким, Ш.Раҳмонларда бўлгани каби Усмон Азим шеърлятида ҳам лирик қаҳрамоннинг халқ бадий хотираси томон ассоциатив сайёҳати кузатилади. Шоир халқнинг эртак ортидаги хотирасига ўзбек ўқувчисини жалб қилар экан эртак воқелиги унинг учун мажоз вазифасини ўтайди. Ўқувчини мушоҳадага ундаш баробарида янги медитатив маъно касб этади. Агар бундайин жихатлар Ш.Раҳмон ва М.Абдулҳакимда анъанавийроқ шаклда акс эттирилса, У.Азим Р.Парфи йўлидан бориб, эркин ифода услубини танлайди. У.Азимнинг Навоидан бошлаб қатор шоирларга бағишловлари бор. Бобур, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Шайхзода. Уларнинг аксарияти шеър бағишланган шахснинг “сўнгги кўшиғи” тарзида берилади. Бундай шеърлий талқиннинг масъулияти катта, албатта. Ёндашувнинг рамзий характерда эканини истисно қиладиган бўлсак, бирон ижодкорнинг сўнгги сўзи нима бўлганини ҳеч ким била олмайди. Ҳатто ҳар қандай ўлаётган одам ҳам “сўнгги сўзим шу” дейишдан кўрқади. Чунки кимнинг сўнгги сўзи қандай бўлишини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Шунинг учун бу руҳдаги шеърлар талқинида эҳтиёт бўлиш лозим.

Хуллас, Р.Парфидан бошлаб ўзбек шеърлятида воқеликни медитатив талқин этишининг бир мунча янги шакли – метафорик тасвир тамойили етакчиликини қўлга олган. Табиат, жамият, шахс, ботин туйғуларини метафорик тасвирлаш урфга кирган. Ш.Раҳмон, М.Абдулҳаким, У.Азим, Й.Эшбек, Ҳ.Аҳмедовалар шеърлятида бундай жихатлар изчил кузатилиши билан бир қаторда, ҳар бир шоир медитативликни метафорик акс эттиришда ўзига хос мазмун ва шаклни намоён этган.

Р.Парфида миллий ўтмиш, тарихий шахслар фожияси, ботиний изтиробларининг лирик метафораси тарзида намоён бўлса, М.Абдулҳакимда вақт ва жой метафорасининг уйғунлашуви, Ш.Раҳмонда миллий аура ва жангавор руҳ, У.Азимда пейзаж, Ҳ.Аҳмедовада ранглар метафораси етакчилиги кузатилади. Тадқиқотда ушбу шоирларнинг барчасида метафора тарихий медитатив мушоҳада, марсиявийлик, “ботинга сафар”, ёлғизланган “мен”, ижтимоий изтироб ҳолатларини акс эттириш учун асосий поэтик восита экани ёритилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Мустақиллик даври ўзбек шеърлятида медитативлик муаммоси”** деб аталган. **“Истиқлол даври лирикасида диний-маърифий мавзудаги шеърларнинг медитатив хусусияти”**га бағишланган биринчи фаслида мустақиллик даврига келиб ўзбек шеърляти янгилашиш, поэтик мазмун-моҳиятига кўра ўзгаришга юз тутгани ҳақида гап боради. Шоирлар қалбида сақланиб келган узок даврлар мобайнида айта олмаган этиқодий туйғуларини шеърлий йўсинда баён

килишди. Истиқлолдек ажойиб бир неъмат шоирларга руҳий эркинлик ва улкан адабий имкониятлар берди.

Аслида ўзбек адабиёти тарихида, мумтоз шеърятда диний-маърифий мавзунинг чуқур фалсафий таҳлиллари, баёнлари кузатилади. Лириканинг дин ва тасаввуф, маърифат ва ҳикмат билан уйғун қирралари Аҳмад Яссавий ҳикматларида, Алишер Навоийнинг лирик меросида, Машраб, Хувайдо, Ҳазиний каби шоирларнинг ғазалиётида яққол кўзга ташланади. Бу шоирларнинг адабий мероси хусусида, айнан диний фалсафага, тасаввуф таълимотига боғлиқ равишда бир қанча тадқиқотлар амалга оширилгани ҳам маълум, албатта<sup>30</sup>.

Шўро даври ўзбек шеърятини медитатив лирикага хос жуда кўп қирралар намоён бўлган ва умри узоқ бўлган шеърини дурдоналар яратилган бўлса ҳам, диний-маърифий, диний-тасаввуфий шеърлар ёзишнинг имкони ҳам, иложи ҳам бўлмади. Бунга давр сиёсати, бадиий адабиёт устида юритилган мафкуравий сиёсат изн бермади. Зеро, бадиий адабиёт устидан юритилган ҳукмрон мафкуравий тамойиллар давр ижодкорлари олдига қўйган талаблари анча бошқача, яъни дину диёнатдан узоқ эди. Эътиқод билан боғлиқ тушунчаларнинг бадиий ифодаси учун йўллар ёпилган эди. Аксинча, атеистик руҳда ёзилган шеърлар тарғиб-ташвиқ қилинар, қўллаб-қувватланар ва минбарларда баланд овозда жаранглар эди. Шундай бир шароитда мумтоз анъаналар, инсоннинг камолотини намоён қиладиган тасаввуфий тариқатларнинг бадиий ифодаси деярли хотирадан ўча борди.

Аммо мустақиллик шарофати ўзбек шеърятини учун, янгилангаётган ўзбек лирикасига замонавий мавзулар тақдим этди. Узоқ ўтмиш анъанаси янгиланди. Мустақиллик йилларида адабиёт билан ислом дини ўртасидаги муносабатларда ҳам кескин бурилиш юз берди. Ўзбек адабиётининг ислом фалсафасидан ва ислом таълимотидан илҳомланиб, ундан таъсирланиб, ўрни келганда ўзи ҳам унга муайян таъсир кўрсатиб ривожланиши энди расман тан олинган факт бўлиб қолди. Шу сабабдан бу масалага бағишланган катта-кичик илмий асарлар пайдо бўла бошлади. Улар дин ва адабиёт алоқаларининг қадимийлиги ва кўламдорлигини кўрсатиш билан бирга, бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишларни аниқлашга ҳам ёрдам бермоқда<sup>31</sup>. Диний масалалар генезиси узоқ тарихларга бориб тақалишини таъкидлаган адабиётшунос О.Шарафиддинов бу мавзунинг бадиий ифодаси учун ҳам ижод аҳлидан истеъдод талаб қилинишига урғу берган.

Адабиётшуносликда назарий жиҳатдан бундай уйғунлик пўртаналари, жўшқинликлари ҳам бевосита медитация ҳодисаси билан изоҳланади. Истиқлол йилларида Мирзо Кенжабек ижодида ҳам янги саҳифа очилди ва шеърларида диний мотив кучайди. Шоир лирик қаҳрамонларининг муножотлари юксак бир даражаларга кўтарилди. Лирик қаҳрамон табиатан Аллоҳни эслайдиган ва эслатадиган қиёфа касб эта боришида шоирнинг

<sup>30</sup> Бу ҳақда Н.Комилов, И.Ҳаккул, С.Рафиддинов, О.Жўрабов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотлари, рисола ва монографиялари нашр бўлган.

<sup>31</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Шарқ, - Т.: 2004. – Б. 181.

“Ибодат” шеъри жуда муҳим саналади. Аслида ибодат жараёни, Яратгувчига юкиниш, эҳтиёжларини сўраш палласида одам бу дунёда узилади ва ўзини бошқа дунёда тасаввур қилади. Бу ҳол ибодат ҳаққонияти, хушуъ ва хузуъ ҳолати билан боғланган бўлади. Айнан ибодат жараёнида одамнинг бутун вужуди ва руҳонияти медитатив кайфиятга тўла бўлади. М.Кенжабекнинг мустақиллик йиллари диний-маърифий йўналишда ёзилган “Ибодат” шеъри дунё, тириклик, охират дарди, умр мазмуни устида фикрлашга чорлаш эътиборидан метитатив лириканинг энг яхши намуналаридан бири саналади.

Инсоннинг эътиқодий амаллари, ўз руҳиятини такомиллаштириш бобидаги ҳаракатларида баъзан жазба ва жозоба бўлади. Одам тушунчалар, бебаҳо гўзал ҳис-туйғуларни бошидан кечиради. Инсонларни тўғри йўлга бошлайдиган ҳикматларга дуч келса, уларни яхши шоирлар шеърга солади. Ҳадисларнинг шеърга солиниш ҳодисаси ҳам истиқлол йиллари шеъриятига хос муҳим бир хусусият саналади. Аслида бу ҳол мумтоз шеъриятда “Арбаъийн” атамаси билан машҳурдир. Ҳадисларни шеърга солган Шукур Қурбон ўзининг қирқта тўртлигини мумтоз шоирлар анъанасига эргашган ҳолда “Арбаъийн” деб атади. Диний-маърифий мазмундаги шеърларда ўзига хос инсон умри – ҳаёт йўлининг инъикоси кузатилади. Бундай “йўл”, сайру саёҳат, табиийки, медитация ҳодисасига мазмунан боғланади.

Шу жиҳатдан қараладиган бўлса, истеъдодли шоир Аъзам Ўктам шеърлари муҳим. Шоирнинг “Тараддуд”, “Қирқинчи баҳор”, “Икки дунё саодати” каби китобларидаги шеърлар инсоннинг эътиқодий тушунчаларининг шеърий талқини саналади. Аъзам Ўктам шеърияти ва инсоний қирраларига доир айрим жиҳатлар ушбу иқтибосда ўз ифодасини топган, албатта. Шоир Аъзам Ўктам шеърлари мазмун-моҳиятига сингдирилган медитативлик хусусиятлари бевосита диний-маърифий, одамнинг иймон ва эътиқоди билан боғлиқлиги кўзга яққол ташланади. Шу авлоднинг яна бир намояндаси Эшқобил Шукур ва Абдували Қутбиддин ижодида ҳам юқорида таҳлил қилинган мазмунли шеърларга ҳамоҳанг ижод намуналари учрайди. Шунингдек, Эшқобил Шукур шеърларида йўл билан йўловчи образларига кўп мурожаат қилади. Унинг тасаввурида тоғдан пастга қараб кетган йўл – бу болаликни, ёшликни эслатади. “Йўл”га нисбатан ташхис қўлланган. Болалик, ёшлик шу йўлда сайёҳ бургут, девона шамол билан гаплашади. Шунда ҳайратланган шоир:

“Тоғда жилға каби жилдираган йўл,  
Сен асли йўлмисан, йўловчими ё?”<sup>32</sup>

деган тараддудга тушади. Кўнгил розлари Алишер Навоий, Чўлпон, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлардан ўтиб Сирожиддин Сайид ва Иқбол Мирзоларга етиб келди. Иқбол Мирзонинг дастлабки шеърий тўпламларидан бири “Кўнгил” деб аталади. Ундаги жамланган шеърлардан бири “Эй дил” деб аталади. “Эй, дил, не истайсиз ялонғоч кўкдан”, “Эй, дил, оғримайсиз, чекмайсиз алам” деб шоир ўз юрагига, кўнглига мурожаат қилади. Алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида номлари зикр этилган шоирлар қаторида

<sup>32</sup> Эшқобил Шукур. Кўз юмиб кўрганларим. – Т.: Akademnashr, 2013. 39-бет.

диний-маърифий мавзудаги шеърларни бошқа кўплаб – Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммад, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева каби шоир ва шиоралар ижодида ҳам учратиш мумкин. Замоनावий ўзбек шеъриятида узоқ ўтмиш бу кунгача етиб келган поэтик анъаналар қайта бўй кўрсатди. Буларда ҳадисларни шеърга солиш ҳодисаси кузатилади. Ўз шеърларида шоирлар диний мавзунини билимдонлик билан талқин қилдилар. Диний мавзу ифодасида ислом тарихидаги ҳодисаларга тасаввуфий ҳаёт кечирган алломаларнинг ибратли ҳаёт тарзига мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам бўлди. Дунё адабиёти ўз моҳиятига кўра диний-маърифий мавзудан узилмаганини, фақат собиқ шўролар замонида миллий адабиётларга бу мавзу учун изн берилмаганини, истиқлол йилларида эса қайтадан кун тартибига чиққани ҳамда диний-маърифий шеърларнинг жуда яхши намуналари майдонга келганини таъкидлаш лозим бўлади.

Мазкур фаслда диний-маърифий шеърларнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги кўринишарига диққат қаратилди ва бу анъананинг замоनावий ўзбек шеъриятида қайтадан давом эттирилгани Абдулла Орипов, Мирзо Кенжабек, Шукур Қурбон каби шоирлар ижоди мисолида кўрсатиб берилди. Ҳадисларнинг шеърий талқинларида инсонга таъсир қиладиган поэтик унсурлар қўлланди. Замоновий ўзбек шоирларидан Аъзам Ўктам, Эшқобил Шукур, Абдували Қутбиддин, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо шеърларида ҳам диний-маърифий мазмундаги шеърлар қалб ҳолати, кўнгил армонлари, комиллик мартабаси каби тушунчалар доирасида муҳокама қилинди. Бу мавзу Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммад, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева каби шоир ва шиоралар ижодини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Аслини олганда жаҳон адабиёти ўз моҳиятига кўра диний-маърифий мавзудан узилмаганини, фақат собиқ шўролар замонида миллий адабиётларга бу мавзу учун изн берилмаганини, истиқлол йилларида эса қайтадан кун тартибига чиққани ҳамда диний-маърифий шеърларнинг жуда яхши намуналари пайдо бўлганига урғу бериш ўринли экани кўрсатилган.

Тўртинчи бобнинг **“Ўзбек модерн шеъриятида медитативликнинг намоён бўлиши”** деб номланган иккинчи фаслида ўзбек замоновий шеъриятининг мавзуга алоқадор қирралари хусусида фикр юритилади.

Ўзбек модерн шеъриятида медитативлик муаммоси ҳақида шеърий манбалар асосида фикр юритишдан олдин адабиётшунослигимиздаги бир муаммога тўхталиб ўтишнинг зарурати бор деб ўйлаймиз. Бу муаммо модернизмга адабиётшунослик ва адабий танқиднинг муносабати масаласидир. “Бугунги ўзбек шеърияти ўз тараққиётининг муҳим ҳаётий ҳодисаларни тасвирлаш ва долзарб муаммоларни акс эттиришдан кўнгил манзараларини чизиш ва руҳий ҳолатларни моддийлаштириш босқичига ўсиб ўтди. Тўғри, бугун долзарб кундалик ҳодисаларга бағишланган, муҳим сиёсий воқеалар ёки одам кўнглини ижтимоий моҳияти ифодаланган тизмалар яратилаётир. Лекин аксар ҳолларда чин шеърият *кўнгил ҳолатини манзаралаштириши, сезимлар чигаллиги ва изтироблар рангини чизиши,*

рангларининг товушини беришга тутинган”<sup>33</sup>. Ўзбек модерн шеъриятига мансуб, юқорида номлари саналган ва баъзи саналмаган шоирлар ичида Фахриёр, Б.Рўзимухаммадлар шеърияти тадқиқотчиларимиз, машхур олимлар томонидан етарли даражада ўрганилган ва матбуот саҳифаларида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган (Қ.Йўлдош, С.Мели, У.Ҳамдам, Н.Эшонкул, Э.Очилов мақолалари) эди. Шуларни назарда тутиб, ишнинг охириги боби сўнги фаслида нисбатан кам эътибор қаратилган ёш модерн шоирлар ижоди мисолида фикр юритишга ҳаракат қилинган.

Медитатив лириканинг муҳим йўналишларидан бири Европада кенг тарқалган “қабристон поэзияси”дир. Бу шеърият Эдуард Юнг, Томас Грей, Томас Кид, Ж.Ж.Руссо каби инглиз ва француз шоирларинигина эмас, руснинг А.Пушкин, М.Лермонтов, А.Белий, В.Бальмонт, А.Ахматова, М.Цветаева каби шоирларини ўз таъсирига тортган. Бу шеърият Европада азалдан бўлган элегиявий, марсиявий лирик талқиндан тубдан фарқ қилади. Бунда лирик “мен” ўлимнинг ўзини эмас, унинг туфайли туғилган лирик мушоҳадани лирик усулда тасвирлайди. Ўлим ҳодисасини фалсафий-медитатив талқин қилади.

Жараёндаги йирик шоир Й.Эшбекнинг “Қабристон” шеъри эса Европа ёки уларга эргашиб ёзилган ўзбек “қабристон поэзияси” тамойилларидан таъсирланмасдан, балки сўфиёна тарих, сўфиёна руҳ, диний-исломий талқинига кўра оригинал асар ҳисобланади. Бу шеърнинг қабристон образларига оид бир қирғоғи. Унда бир марҳумнинг дафн манзарасини асос қилиб ўз лирик қаҳрамонини воқеликнинг икки қирғоғига бўлиб юборади. Биринчи қирғоқда дафнга келган лирик “мен”. У ўлимдан ваҳимага тушган, тезроқ “юзига фотиҳа тортиб” бу даҳшатли жойдан кетишни хоҳлайди. Ўзидан ўлим соати ҳали узоқлигидан таскин излайди. Ҳали “ёшман” деб ўйлайди. Кейин шу туйғунинг “сабабчилари” ҳақида сўз кетади. Улар учта: “кўнгил”, “ақл”, “нафс”. Кўнгил-жон тор маконларга сиғмайди. Унинг яратилиш тийнати шундай. Тана кўмилгани билан уни кўмиб бўлмайди. У – абадий. Иккинчиси ақл. Ақл дунё ишларини ўйлайди. Бола-чақа, дунёда қолиб кетаётган мақсад ва орзулар уни ўлимдан кўрқитади. Аммо ақл туйиб турган бундай ҳиснинг бошида нафс туради. Нафсни енгиш, ўлимга кўндириш ўта қийин иш. У ер остида ётишни сира истамайди. Қачонки шу нафс ўлдирилар экан, ҳозиргина дафн этилган майитдек, инсон “Ўлмасдан бурун ўлади”. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига мувофиқ мўминга айланади. Бундайлар лирик “мен” замондошлари ичида бўлмаса ҳам ўтмиш аждодлар орасида бор эди. Инсон мана шу зотларга интилмоғи, ўз нафсини ўлдирмоғи, ўлмасдан бурун ўлмоғи лозим. Шеърнинг хулосаси шунга олиб келади.

Ўзбек модерн шеъриятида кўзга ташланаётган бу каби ўзига хос хусусиятлар Й.Эшбекдан кейин шеъриятга кириб келган авлод шоирлари ижодида ҳам яққол сезилади. Масалан, шоир Бобомурод Эралининг

<sup>33</sup> Йўлдош Қ. Ёник сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 315.

“Сукунат сибизғаси” деб номланган мўъжаз шеърий тўплами ўзининг композицион қурилиши биланоқ медитатив лирика хоссаларини намоён этади.

Оқ булут сузиб юрар. Яшил қабо кияр боғ,  
Ой чиққанда, дарахтлар ширин хаёлга чўмар.  
Ўтлар узра чопқиллаб баҳорнинг эркатоёи  
Далалару боғларни ажиб ифорга кўмар.  
*Муҳаббатга йўл очар қордан бўшаган сўқмоқ...*<sup>34</sup>

Тўплам уч қисмдан иборат қилиб шакллантирилган бўлиб, биринчи қисм табиат ҳодисаларининг лирик талқинидан, иккинчи қисм машҳур шахсларга қаратилган “Бағишловлар”дан, учинчи қисм эса йил фаслларига бағишланган “Қасидалар”дан ташкил топган.

Баъзи шоирларда медитатив лириканинг асос ғояларидан ҳисобланадиган ҳаёт ва ўлим масаласи парадоксал усулда талқин қилинади. Ҳаёт ва ўлим солиштирилар экан, инсон ҳар икки дунёни яшашга маҳкум экани ҳақидаги фалсафий хулоса ишонарли ташбеҳлар воситасида лирик баён қилинади. Модерн шоираларимиздан Ойдиннисо ижодида ҳам медитативликнинг бошқа шоираларимизга ўхшамаган бир жиҳати етакчилик қилади. Юқоридаги назарий бобларда таъкидланганки, медитатив шеъриятнинг туғилишида инсоннинг техникалашувига қарши бир исён руҳи муҳим ўрин тутаяди. Аммо одамизот маданийлашгани сари бу жараённинг тезлашиб бориши, нафс истакларининг кўнгил истаклари устидан пайдарпай ғалабага эришуви шоирона қалбларни изтиробга солади, кўтарган исёнларининг ҳатто ўз нафслариданда ҳимоя қила олмасликлари уларни таҳликага туширади ҳамда маҳзун бир йиғига мубтало этади. Кузатилишига кўра, Ойдиннисо шеъриятида худди шу характердаги маҳзун руҳ кезиб юради.

Шоира Х.Рустамовани тадқиқотчилар ўлим ҳақида энг кўп ёзган ижодкор сифатида билишади. Баъзида бундай шеърлар яхши баҳоланса, баъзан танқидий фикрлар ҳам билдирилади. Шоира шу каби ранг-баранг қарашларга муносабат сифатида ёзган шеърида ҳам ҳар икки тушунчанинг моҳиятини беришга уринади. Х.Рустамова шеърларида медитатив лириканинг фаол компоненти бўлган икки фалсафий тушунча – “ер ости” ва “ер усти” – лирик муқояса асосида нозик мушоҳада қилинади. Ойдиннисо шеъриятида эса умумни хусусийлаштириш ва “ҳузн” масаласи бош планга чиққанки, бу ҳам медитатив лирикага хос “тушкунлик” концептининг ўзбек модерн муҳитига хос янгича кўринишидир.

Шоира Гўзал Бегим шеърларида “йўл хотиралари”нинг мураккаб ва ички шакли лирик-медитативликнинг модернча усулида ифодаланган. Аммо бадиий адабиётнинг бошқа жанрларида кўплаб учрайдиган йўл хотираларидан турлича фарқланиб туради. Шоира умр йўли, сафар йўли, ижод йўлидан кўра “ботин йўли”нинг медитатив фалсафий жиҳатига кўпроқ диққат қаратади. Г.Мўминова шеърларида реал тарихий далиллардан замонга

<sup>34</sup> Эрали Б. Сукунат сибизғаси. – Т.: Akademnashr, 2012. – Б. 3.

оид лирик умумлашмалар чиқариш, лирик контрастлар асосида янги концепцияларни далиллаш тамойили етакчилик қилади.

Модерн шеърляти, яъни Р.Парфи ижодида бўй чўзган янги анъана ундан кейинроқ Фахриёр, Б.Рўзимухаммад, Й.Эшбек, З.Мирзаева, Б.Эрали, Х.Рустамова, Д.Ражаб, Б.Бегматов, Гўзал бегим, Гулноз Мўминова, Ойдиннисо ва бир қатор ёш шоиру шоиралар томонидан давом эттирилди. Бу шеърлятда ташқи ҳодисаларга нисбатан инсон ички оламини тафтиш этиш, ботинда кечаётган зиддиятлар, тушунарсиз курашларни янги шаклда лирик тасвир этиш, ички “мен”нинг кенг имкониятларини шеърда акслантириш медитативликнинг нисбатан янги кўринишини намоён қилади.

## ХУЛОСА

Ўзбек шеърлятининг яқин тарихда босиб ўтган йўлига назар ташланадиган бўлса, ранг-баранг бадий ҳодисаларга, поэтик ҳақиқатларга дуч келиш мумкин. Бу ҳол шеърлятимизни дунё адабиётшунослигида мавжуд бўлган энг муҳим илмий-назарий мезонлар билан баҳолаш ва таҳлил этиш имконини бериши намоён бўлади. Шу эътибордан замонавий ўзбек шеърлятига хос бўлган медитация ҳодисаси батафсил тадқиқ қилинар экан, бу изланиш ва ўрганишлар натижасида ўзбек шеърлятига хос бўлган масалалар хусусида бир қанча умумлашма хулосалар чиқариши имкони пайдо бўлади.

1. Ўзбек адабиётида медитатив лирика намуналари бўлган шеърля асарларни узоқ ва яқин тарихда учратиш мумкин. Гарчанд, бу ҳодиса ва тушунчанинг генезиси Европа адабиётшунослигида вужудга келган бўлса ҳам, унинг илдизларини шарқона тафаккурдан, дейлик ҳиндларнинг йога машқлари ёки сўфиларнинг тасаввуфона ҳаёт тарзида ҳам кузатиш мумкин бўлади. Ўзбек адабиётшунослигида илк бор медитатив лириканинг бадий-тарихий, ижтимоий-фалсафий, илмий-назарий тушунча ҳамда ўзбек лирикасига хос поэтик ҳодиса экани илмий асослаб берилди.

2. Ўзбек мумтоз адабиёти таянган ва медитатив лирика хусусиятларини намоён этган асарлар тўртта муҳим таянч-асосга эга. Бунинг биринчиси, ислом таълимоти акс этган Қуръон, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, улардан кейин яшаган дин уламолари, авлиёларнинг асарлари; иккинчиси, халқ оғзаки поэтик ижодининг янги поэтик шаклда, ислом адабиётига мослаштирилиши; учинчиси, Шарқ тасаввуф адабиёти анъаналари; тўртинчиси, ўзбек мумтоз шоирларининг ислом муҳитида шаклланган дунёқараши асосидаги асарлар негизи ва дунёни медитатив идрок этиш йўл-усулларидир.

